

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
«ЖАНУБИЙ УРАЛ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ»  
ФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ БЮДЖЕТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ**

**БОРСУК ДЕНИС АЛЕКСАНДРОВИЧ**

**ОЁҚ ВЕНАЛАРИНИНГ ВАРИКОЗ КЕНГАЙИШИНИ МИНИМАЛ  
ИНВАЗИВ ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ ЯХШИЛАШ УСУЛЛАРИ**

**14.00.34 – Юрак-қон томир хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧАФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Борсук Денис Александрович**

Оёқ веналарининг варикоз кенгайишини минимал инвазив даволаш  
натижаларини яхшилаш усуллари ..... 3

**Борсук Денис Александрович**

Пути улучшения результатов миниинвазивного лечения варикозного  
расширения вен нижних конечностей ..... 37

**Borsuk Denis Alexandrovich**

Ways to improve the results of minimally invasive treatment of varicose veins  
and extremity infections ..... 71

**Нашр қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 79

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
«ЖАНУБИЙ УРАЛ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ»  
ФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ БЮДЖЕТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ**

**БОРСУК ДЕНИС АЛЕКСАНДРОВИЧ**

**ОЁҚ ВЕНАЛАРИНИНГ ВАРИКОЗ КЕНГАЙИШИНИ МИНИМАЛ  
ИНВАЗИВ ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ ЯХШИЛАШ УСУЛЛАРИ**

**14.00.34 – Юрак-қон томир хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧАФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Россия федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Жанубий Урал давлат тиббиёт университети" Федерал давлат бюджет олий таълим муассасасининг Илмий кенгаши йиғилишида 2021 йил 22 декабрдаги 6-сонли баённома билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Россия федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Жанубий Урал давлат тиббиёт университети" Федерал давлат бюджет олий таълим муассасасида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Фокин Алексей Анатольевич</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Богачев Вадим Юрьевич</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Бахритдинов Фазлитдин Шамситдинович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Ирназаров Акмал Абдуллаевич</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>«А.Н. Сизганов номидаги Миллий хирургия илмий маркази» АЖ (Қозоғистон Республикаси)</b>

Диссертация ҳимояси Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йули 10-ўй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: [cs.75@mail.ru](mailto:cs.75@mail.ru), Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Докторлик диссертацияси билан Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (169-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йули 10-ўй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.  
(2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ф.Г. Назиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор,  
академик

**А.Х. Бабаджанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Р.А. Ибадов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси муовини,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Веналарнинг сурункали касалликлари (СВК) кенг тарқалган бўлиб, ривожланган мамлакатларининг 70-80% дан ортиқ катта ёшдаги аҳолисида учрайди. Пастки экстремиталарнинг варикоз касаллиги (ВК) уларнинг ичида етакчи ўринни эгаллайди ва унинг тарқалганлик даражаси 18 ёшдан ошганлар орасида тахминан 20–30% ни ташкил қилади<sup>1</sup>. Салбий эстетик компонентдан ташқари, кўплаб беморларда варикоз касаллиги СВК аломатлари билан бирга кечади ва ноқулайлик, оғриқ келтиради, иш қобилиятини ва ҳаёт сифатини пасайтиради, шунингдек, депрессия ривожланишига билвосита таъсир қилиши мумкин. Касалликнинг ривожланиши трофик тери касалликларининг пайдо бўлишига сабаб бўлади ва натижада тахминан 1-4% ҳолларда веноз яралар пайдо бўлишига олиб келади. Асосан, бундай ярали нуқсонларни даволаш харажатлари, ғарб давлатлари соғлиқни сақлаш бюджетининг 1 фоизини ташкил этувчи катта молиявий ва иқтисодий юкга айланади. ВК нинг энг хавфли оқибатлари орасида веноз тромбоземболик асоратлар (ВТЭА) алоҳида ўрин тутаяди. Адабиёт маълумотларига кўра, 80% гача юзаки веналар тромбози (ЮВТ), варикоз ўзгариши билан бирга кечган бўлиб, ВК билан оғриган 4% дан 59% гача беморлар ўз ҳаёти давомида симптоматик ўпка артерияси тромбоземболиясининг (ЎАТЭ) 1,9–13,3% оралиғидаги ривожланиш хавфи билан бирга, юзаки веналар тромбози билан ҳам касалланиши мумкин деб топилган. Бундан ташқари, веналарнинг варикоз кенгайиши чуқур веналар тромбози эҳтимолини 4,6 мартагача оширади, ва бу ҳолда ЎАТЭ ривожланиш эҳтимоли сезиларли даражада юқори бўлиши мумкин<sup>2</sup>. Маҳаллий флебэктазиядан ўз-ўзидан ёки посттравматик қон кетиши, айниқса, кекса беморларда, камроқ даражада бўлса ҳам, уларнинг соғлиги ва ҳаёти учун хавф туғдириши мумкин.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда эндовеноз лазер облитерацияси (ЭВЛО) учун оптимал энергетик параметрларни аниқлашга қаратилган тадқиқотлар энг долзарб бўлиб қолмоқда, катта калибрли веналарнинг термал облитерацияси имкониятлари таҳлил қилинмоқда, сондаги катта тери ости венанинг (КТОВ) супрафасциал ирмоғини ликвидация қилиш йўллари ўрганиш давом этмоқда, варикоз касаллигида маҳаллий оғриқсизлантиришга аллергияси бўлган беморларда эндоваскуляр аралашувларга ёндашувлар шакллантирилмоқда, иккита ҳалқали радиал ёруғлик узатгичлардан фойдаланиш натижалари баҳоланмоқда, ЭВЛО муолажасининг ностандарт ҳолатлардаги техник ва амалий хусусиятлари ўрганилмоқда ва унинг молиявий-иқтисодий самарадорлиги яхшиланмоқда. Асоратларни таҳлил қилиш ва олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, шу жумладан тери

<sup>1</sup> De Maeseneer M.G., Kakkos S.K., Aherne T., et al. European Society for Vascular Surgery (ESVS) 2022 Clinical Practice Guidelines on the Management of Chronic Venous Disease of the Lower Limbs. Eur J Vasc Endovasc Surg. 2022. 63(2). P. 184-267.

<sup>2</sup> Shaydakov M.E., Comerota A.J., Lurie F. Primary venous insufficiency increases risk of deep vein thrombosis. J Vasc Surg Venous Lymphat Disord. 2016. 4(2). P. 161-6.

ости нервларининг шикастланиши ва термал таъсир остида пайдо бўлган тромбоз, иккиламчи телеангиэктазия (ТАЭ), магистрал юзаки веналар бўйлаб рефлюксни изоляция қилинган ҳолда йўқ қилиш ва оқимларни бартараф этишнинг кечиктирилган усулини қўллаш истиқболлари батафсил ўрганилмоқда, СКТ-флебографиясининг ўрни амбулатор флебологик амалиётида, хусусан, унинг тўғридан-тўғри модификациясида аниқланмоқда.

Маҳаллий соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари замонавий диагностика технологиялари ва жарроҳлик, биринчи ўринда амбулатор минимал инвазив даволашни жорий этиш ҳисобига оёқларнинг сурункали варикоз касаллиги билан оғриган беморларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирларни ўз ичига олади. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган етти устувор йўналиш бўйича ривожланиш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича вазифалар киритилган<sup>3</sup>. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан терапевтик ва диагностик ёндашувларни оптималлаштириш, шунингдек, ушбу патологиянинг юқори тиббий, ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда, ВКда эндовеноз аралашув усулларини такомиллаштириш орқали юрак-қон томир жарроҳлиги ва умуман тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири саналади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 декабрдаги ПФ-5590-сон "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон "Хирургия хизматини трансморфация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2021 йил 26 июлдаги ПҚ-5198-сон "Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI "Тиббиёт ва фармакология" устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.**<sup>4</sup> СВК ва хусусан, ВК билан оғриган беморларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012-йил 28-январдаги "2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон Фармони. Қонун ҳужжатлари тўплами.

<sup>4</sup> Обзор зарубежных исследований по теме диссертации проведен на основе: Nicolaidis A., Kakkos S., Baekgaard N., et al. Management of chronic venous disorders of the lower limbs. Guidelines According to Scientific Evidence. Part II. *Int Angiol.* 2020. 39(3). P. 175-240; Wong M., Parsi K., Myers K., et al. Sclerotherapy of lower limb veins: Indications, contraindications and treatment strategies to prevent complications - A consensus document of the International Union of Phlebology-2023. *Phlebology.* 2023. 38(4). P. 205-258; Gloviczki P., Lawrence P.F., Wasan S.M., et al. The 2022 Society for Vascular Surgery, American Venous Forum, and American Vein and Lymphatic Society clinical practice guidelines for the management of varicose veins of the lower extremities. Part I. *J Vasc Surg Venous Lymphat Disord.* 2023. 11(2). P. 231-261; Gianesini S., Obi A., Onida S., et al. Global guidelines trends and controversies in lower limb venous and lymphatic disease: Narrative literature revision and experts'

сифатини яхшилашга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари кўплаб халқаро илмий қон-томир ва флебологик жамиятлар ва ташкилотлар, жумладан International Union of Phlebology (UIP), The International Union of Angiology (IUA), Society for Vascular Surgery (SVS), The European Venous Forum (EVF), European Society for Vascular Surgery (ESVS), American Venous Forum (AVF), American Vein and Lymphatic Society (AVLS), Society for Vascular Medicine (SVM), Latin American Venous Forum, Ассоциация флебологов Узбекистана (АФУ), Национальная коллегия флебологов (НКФ, Россия); University of Ferrara, Ferrara, Italy; University of Michigan, Ann Arbor, MI, USA; Imperial College London, London, UK; University of California, Davis Vascular Center, Sacramento, CA, USA; Glomach Medic, Lima, Peru; Erasmus Medical Center, Rotterdam, Netherlands; Instituto Brasileiro de Flebologia, Sao Paulo, Brazil; Espiritu Santo University, Guayaquil, Ecuador; Collegium Medicum, University of Nicolaus Copernicus, Bydgoszcz, Poland; Punjab University, Chandigarh, India; Kabnick Vein Center, Morristown, NJ, USA; Universidad Autonoma de Bucaramanga, Bucaramanga, Colombia; Putra University, Serdang, Malaysia; Jobst Vascular Institute, Toledo, OH, USA; The Harley Street Heart and Vascular Center, Singapore; University of Cologne, Cologne, Germany; St. Vincent's Hospital, University of NSW, Sydney, Australia; University of Wien, Wien, Austria; University of Bonn, Bonn, Germany; Harvard University, Boston, MA, USA; Stanford University School of Medicine, Stanford, CA, USA; Maastricht University Medical Center, Maastricht, Netherlands; Universidad de Buenos Aires, Buenos Aires, Argentina; "А.В.Вишневский номидаги Миллий тиббий-тадқиқот жарроҳлик маркази" Федерал давлат бюджет муассасаси" (Россия); Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилган.

Дунёда олиб борилган тадқиқотлар натижасида терапевтик ва диагностик "олтин стандартлар" аниқланган, жумладан: флебологнинг амбулатор ыабулида доимий мунтазам равишда учрайдиган веналарнинг варикоз кенгайишида ҳам, веноз тизимнинг бошқа бир қатор касалликларида ҳам ултратовушли дуплекс сканерлаш (УТДС) маълум бир патологиянинг ўзига хос хусусиятлари ёки ушбу усулнинг техник имкониятлари сабабли ҳар доим ҳам клиник эҳтиёжларни қондирмаслиги аниқланган (Division of Vascular and Endovascular Surgery, Gonda Vascular Center, Mayo Clinic, Rochester); Спирал компьютер томография(СКТ)-флебография ҳам касалхонага ётқизишни талаб қилмаслиги ва қисқа вақт ичида деярли ҳар қандай беморда веноз ирмоқлари ва атрофдаги тўқималарнинг 3D (уч ўлчовли ҳажмли) визуализациясини олиш имконини бериши исботланган (Varicose Vein Surgical Center, 113 Avenue Victor Hugo, Paris, France); ЭВЛО ёки радиочастотали облитерация каби магистрал юзаки веналарнинг термал облитерация муолажалари, ВКни

---

opinions following the vWINter international meeting in Phlebology, Lymphology & Aesthetics, 23-25 January 2019. Phlebology. 2019. 34(1 Suppl). P. 4-66; Gianesini S., Chi Y.W., Agüero C., et al. Fake-news-free evidence-based communication for proper vein-lymphatic disease management. Int Angiol. 2023. 42(2). P. 89-189; Сборник тезисов 2-го венозного форума Ассоциации флебологов Узбекистана. Ташкент, Узбекистан, 2022; и других источников.

даволашда танланадиган усул сифатида кўрилиши аниқланган, ва бу барча тегишли клиник тавсияларда акс еттирилган (Department of Cardiovascular Surgery, Istanbul University - Cerrahpasa Medical Faculty, Istanbul, Turkey); Буғли ва микротўлқинли абляция, нотермик нотумесцент (НТНТ) аралашувлар гуруҳи, юқори интенсивликда йўналтирилган ултратовуш, экстравазал компрессиянинг турли хил вариантлари, шунингдек, самарадорлиги кўплаб клиник тадқиқотларда исботланган CHIVA ва ASVAL йирик магистрал юзаки веналарнинг пояларини сақлаб қолиш усуллари каби янги техникалар ишлаб чиқилган. Бироқ, ушбу процедураларнинг ҳар бирининг маълум афзалликларига қарамай, бир қатор чекловлар, шу жумладан юқори нарх, етарли бўлмаган далиллар базаси, ўзига хос асоратлар хавфи, техник хусусиятлар ва бошқа баъзи жиҳатлар туфайли, уларга ҳали ҳам иккинчи даражали усуллар сифатида қаралаётганлиги айтиб ўтилган. (Section of Vascular Surgery, Department of Surgery & Cancer, Imperial College London, Charing Cross Hospital, London, UK; "Петрозаводск Давлат Университети" ТМ ФДБТМ , Петрозаводск, Россия); яқин келажақда эндовеноз термал облитерацияси ва хусусан, ЭВЛО оёқ веналарининг варикоз кенгайишида энг кўп қўлланиладиган операция сифатида узоқ вақт давомида ўз позициясини сақлаб қолиши аниқланган (ФДБМ "А.В.Вишневский номидаги Миллий тиббий-тадқиқот жарроҳлик маркази", Москва, Россия).

Ҳозирги вақтда бутун дунё флебологияси учун ВК диагностикаси ва даволаш натижаларини яхшилаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш масаласи, энг долзарб бўлиб қолмоқда, муолажадан сўнгги реабилитация вақтини қисқартиришга уринишлар қилинмоқда, касалликнинг қайталаниш эҳтимоли камаймоқда, аралашувларнинг асоратлари билан кураш олиб борилмоқда, молиявий-иқтисодий самарадорлик яхшиланмоқда, тактик йўналишлар ривожланмоқда. Замонавий кам инвазив эндовеноз даволаш усулларига ўтиш билан ушбу тоифадаги беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифати сезиларли даражада яхшиланган. Жарроҳлик йўли билан даволаш амбулатор шароитда мумкин бўлиб, "бир кунлик операция"га айланган. Бироқ, шу билан бирга, янги саволлар ва чекловлар ҳам пайдо бўла бошлади ва бу масалаларни ўрганиш, биринчи ўринда илмий тадқиқот ёндашувлари билан исботланган, янада индивидуал ва асосли истиқболларни очиши керак.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** ВКда минимал инвазив эндоваскуляр жарроҳликнинг энг мунозарали ва устувор йўналишларидан бири - бу ЭВЛО муолажасидаги оптимал энергия режимларини аниқлашдир, ва бунда чизиқли энергия зичлигини (ЧЭЗ) ташкил этувчи индивидуал параметрларнинг таъсирини баҳолаш алоҳида қизиқиш уйғотади<sup>5</sup>. Яна бир кам ўрганилган жиҳат - бу қуйилиш жойи (приустье) катта калибрли бўлган веналарда, термооблитерация қўллаш истиқболидир<sup>6</sup>. ЭВЛО ёрдамида сондаги

<sup>5</sup> Cowpland C.A., Cleese A.L., Whiteley M.S. Factors affecting optimal linear endovenous energy density for endovenous laser ablation in incompetent lower limb truncal veins – A review of the clinical evidence. *Phlebology*. 2017. 32(5). P. 299-306.

<sup>6</sup> Dabbs E.B., Mainsiouw L.E., Holdstock J.M., et al. A description of the 'smile sign' and multi-pass technique for endovenous laser ablation of large diameter great saphenous veins. *Phlebology*. 2018. 33(8). P. 534-539.

катта сафен венанинг супрафасциал оқимини бартараф этиш имкониятини комплекс баҳолаш ҳал қилинмаган муаммо бўлиб қолмоқда<sup>7</sup>. Замонавий минимал инвазив ёрдам амбулатория шароитида ва локал оғриқсизлантириш остида кўрсатилишини ҳисобга олсак, унинг чекловларидан бири алоҳида беморларда локал анестезияга аллергик реакцияларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Шу муносабат билан, оғриқсизлантириш ва қўшимча седациясиз тўқималарнинг инфилтрацияси учун термал облитерация пайтида фақат созутилган физиологик эритмадан фойдаланиш бундай вазиятлардан чиқишнинг маълум бир йўлини кўрсатиши мумкин<sup>8</sup>. Шу билан бирга, радиал нурлантириш билан ҳақиқий актуал ёруғлик узатувчилар ёки катетерлардан фойдаланган ҳолда операцияларнинг бундай варианты учун материал бўйича етарли тадқиқотлар мавжуд эмаслиги аниқланган. Икки ҳалқали радиал толалардан фойдаланиш самарадорлиги ва хавфсизлигини сифатли клиник баҳоловчи ишларининг йўқлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

ВКни даволашда замонавий минимал инвазив катетерлаш техникасининг техник чекловлари муаммоси муҳимлигича қолмоқда. Олдинги тадқиқотлар бир қатор беморларда бундай аралашувларнинг қўлланилмаслигини кўрсатган, ва бу халқаро меъёрий ҳужжатларда акс еттирилган<sup>9</sup>. Бироқ, қурилмалар эволюцияси ва тўпланган тажриба сезиларли ютуқларга эришишга имкон берган, аммо бугунги кунда бундай усулнинг прогресси ҳақида нашрлар мавжуд эмас. Флебологиянинг яна бир долзарб ва амалда ўрганилмаган соҳаси - бу амбулатор шароитда бажарилган операцияларнинг молиявий-иқтисодий самарадорлигини оширишдир<sup>10</sup>. Шунингдек, кам ўрганилган масалаларга варикоз кенгайишини минимал инвазив даволашнинг асоратлари киради, бунда эндовеноз термал облитерация пайтида тери ости нервларининг шикастланиши, термал индукция қилинган тромбоз ва уларни перорал антикоагулянтлар (ПОАК) билан даволаш имконияти алоҳида ўрин тутган<sup>11, 12, 13</sup>. Магистрал юзаки веналарнинг ирмоқларидаги аралашувларнинг мавжуд камчиликлари ва ён таъсирини ҳисобга олган ҳолда, ВКни минимал инвазив даволаш натижаларини яхшилашнинг баъзи тактик истиқболлари алоҳида қизиқиш уйғотади, улар орасида юзаки магистрал томирлар бўйлаб рефлюксни изоляция қилинган ҳолда бартараф этиш, ҳолда супрафасциал ирмоқларни кечиктирилган усул билан

<sup>7</sup> Simkin R., Simkin C., Bulloj R. Is laser ablation the gold standard in the treatment of epifascial varicose veins? *Acta Phlebologica*. 2018. 19(3). P. 91-5.

<sup>8</sup> Chong P.F.S., Kumar R., Kushwaha R., et al. Technical tip: cold saline infiltration instead of local anaesthetic in endovenous laser treatment. *Phlebology*. 2006. 21(2). P. 88-89.

<sup>9</sup> Pavlović M.D., Schuller-Petrović S., Pichot O., et al. Guidelines of the First International Consensus Conference on Endovenous Thermal Ablation for Varicose Vein Disease – ETAV Consensus Meeting 2012. *Phlebology*. 2015. 30(4). P. 257-73.

<sup>10</sup> Epstein D., Bootun R., Diop M., et al. Cost-effectiveness Analysis of Current Varicose Veins Treatments. *J Vasc Surg Venous Lymphat Disord*. 2022. 10(2). P. 504-513.

<sup>11</sup> Yilmaz S., Delikan O., Aksoy E. Saphenous nerve injury after endovenous laser ablation of incompetent greater saphenous vein: An electroneuromyography study. *Phlebology*. 2016. 31(2). P. 106-10.

<sup>12</sup> Kabnick L.S., Sadek M., Bjamason H., et al. Classification and treatment of endothermal heat-induced thrombosis: Recommendations from the American Venous Forum and the Society for Vascular Surgery. *J Vasc Surg Venous Lymphat Disord*. 2021. 9(1). P. 6-22.

<sup>13</sup> Pavlović M.D., Adamić M., Schuller-Petrović S. Secondary telangiectasia after radiofrequency closure of saphenous vein: a result of blocked outflow of a feeding vein? *Phlebology*. 2012. 27(5). P. 265-6.

ликвидация қилиш катта имкониятларга эгаллиги исботланган<sup>14</sup>. Ташхисга қайтсак, СКТ-флебография ва хусусан, унинг тўғридан-тўғри модификацияси ўтган асрнинг охиридан бери қўлланилганига қарамай, унинг имкониятлари, кўрсаткичлари, шунингдек, замонавий клиник амалиётга бўлган эҳтиёж тўлиқ аниқланмаган ва тиббий матбуотда етарлича ёритилмаган.

Адабиётлар бўйича ўтказилган таҳлил шуни кўрсатадики, катта ёшдаги аҳоли орасида кенг тарқалганлиги, касалликнинг сурункали ривожланиши, СВК билан бирга келадиган аломатлари, бир қатор беморларда иш қобилияти ва ҳаёт сифатининг пасайиши, асоратлар хавфи, шу жумладан мумкин бўлган ҳалокатли натижалар туфайли, ВКни замонавий жамиятнинг муҳим тиббий-ижтимоий, шунингдек иқтисодий муаммоси деб ҳисоблаш мумкин. Ушбу тоифадаги беморларга, юқорида айтиб ўтилган тиббий ёрдам сифатини сезиларли даражада яхшилаши керак бўлган, диагностика ва даволашнинг етарли даражада ўрганилмаган жиҳатлари ушбу ишнинг долзарблигини аниқлаб берган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Россия федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Жанубий Урал давлат тиббиёт университети "Федерал давлат бюджет олий таълим муассасаси қошидаги Қўшимча профессионал таълим институтининг жаррохлик кафедрасининг илмий-тадқиқот ишининг "Оёқ веналарининг ўткир ва сурункали касалликлари билан оғриган беморларга эндоваскуляр ёрдамни ташкил этиш" деб номланган комплекс мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** замонавий минимал инвазив аралашувларнинг техник, тактик, ташкилий, молиявий ва иқтисодий имкониятларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва оптималлаштириш йўли билан оёқ веналарининг варикоз кенгайиши билан оғриган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

морфологик таҳлилдан фойдаланган ҳолда, турли хил қувватларда (5, 7 ва 10 Вт) эришилган бир хил чизиқли энергия зичлигида (тахминан 70 Дж/см) эндовеноз лазер облитерациясидан кейинги веноз деворнинг шикастланиш чуқурлигини баҳолаш;

турли хил қувватларда (5, 7 ва 10 Вт) эришилган бир хил чизиқли энергия зичлигида (тахминан 70 Дж/см) катта тери ости томирларини эндовеноз лазер облитерациясининг техник(облитерация) ва клиник(оғриқ, хавфсизлик) натижаларини солиштириш;

куйилиш қисмининг диаметри 2 см дан юқори бўлган катта калибрли сафен томирларида эндовеноз лазер облитерациясидан фойдаланиш натижаларини таҳлил қилиш;

---

<sup>14</sup> Aherne T.M., Ryan É.J., Boland M.R., et al. Concomitant vs. Staged Treatment of Varicose Tributaries as an Adjunct to Endovenous Ablation: A Systematic Review and Meta-Analysis. Eur J Vasc Endovasc Surg. 2020. 60(3). P. 430-442.

эндовеноз лазер облитерациясининг самарадорлиги ва хавфсизлигини, катта сафен веналар тизимининг s- ва h-типидаги фаолияти бузилган супрафасциал ирмоқни бартараф этиш усули сифатида баҳолаш;

анамнезида аллергияси бўлган беморларда маҳаллий оғриқсизлантирувчилар ва бошқа дори-дармонларни қўшмасдан, шу жумладан қўшимча седация ёки наркозсиз, тумесцент анестезия учун фақат совутилган физиологик эритма ёрдамида, тўлқин узунлиги 1470 нм бўлган қурилмада радиал ёруғлик узатгичлар билан эндовеноз лазер облитерациясини ўтказиш имкониятини ўрганиш;

магистрал юзаки веналарининг 1470 нм эндовеноз лазер облитерациясида иккита ҳалқали радиал ёруғлик узатгичларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини ўрганиш;

"Қўлда ушланадиган МНР02 (Colibri) ёруғлик узатгич" тизимининг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш;

катта тери ости томирларини эндовеноз лазер облитерациясидан кейинги тери ости нервларининг шикастланиш аломатларининг частотасини ҳар томонлама ўрганиш, шунингдек, ушбу аломатларнинг беморлар ҳаёт сифатига таъсирини аниқлаш;

термал таъсир остида пайдо бўлган тромбоз билан оғриган беморларда тўғридан-тўғри перорал антикоагулянтларни қўллаш самарадорлиги ва хавфсизлигини таҳлил қилиш;

катта тери ости томирларини эндовеноз лазер облитерациясидан кейинги иккиламчи телеангиэктазиялар фоизини аниқлаш, шунингдек уларнинг ривожланиши хавф омилларини аниқлаш;

юзаки магистрал венанинг изоляцияланган эндовеноз лазер облитерацияси ва ундан кейинги соғ қолдирилган супрафасциал ирмоқларни муддатли баҳолаш ва зарурият бўлган ҳолда, уларни ликвидация қилишни ўз ичига олган, икки босқичли даволаш тактикасини ҳар томонлама таҳлил қилиш;

спирал компьютер томографияси-флебографияга бўлган эҳтиёжни баҳолаш, шунингдек, амбулатор флебология клиникасига режали равишда маслаҳат учун келган бирламчи беморларда унинг диагностика имкониятларини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти сифатида** оёқ веналари варикоз кенгайиши билан оғриган 7 324 нафар бемор олинган ва уларда магистрал юзаки веналарининг 9 729 ЭВЛО амалиёти, кенгайган ирмоқларда қўшимча аралашувлар билан ёки уларсиз ўтказилган бўлиб, Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Жанубий Урал Давлат тиббиёт университети қошидаги Қўшимча касбий таълим институти жарроҳлик бўлимининг базаси бўлган амбулатор флебология клиникасида, шунингдек «Phlebolife» МЧЖ клиникасида (Тошкент) 2015 йил январ ойидан бошлаб 2022 йилнинг апрелигача давом этган.

**Тадқиқотнинг предмети** жорий натижаларни яхшилаш учун техник, тактик, ташкилий ва молиявий-иқтисодий имкониятларни тегишли оптималлаштириш билан оёқ веналарининг варикоз кенгайишини минимал

инвазив даволаш самарадорлигини ҳар томонлама таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Ушбу мақсадга эришиш учун қиёсий ва ноқиёсий, рандомлаштирилган ва рандомлаштирилмаган, истиқболли ва ретроспектив, клиник ва морфологик ягона марказли тадқиқотлар ўтказилган. Иложи борича шаффофлик принципи ишлатилган. Олинган маълумотлар фарқларнинг ишончилигини баҳолаш ва корреляцияларни аниқлаш учун кейинги статистик таҳлил учун ишлатилган. Рандомлаштирилган клиник синов (PKC) натижаларини тақдим этиш CONSORT талабларига мувофиқ амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

эндовеноз лазер облитерацияси жараёнида вена деворларининг шикастланиш чуқурлигидаги морфологик фарқлар, энергиянинг бир хил чизиқли зичлигидаги нурланиш кучига қараб аниқланганлиги, шунингдек техник (олти ойлик облитерация частотаси) ва клиник (оғриқ синдромининг интенсивлиги, хавфсизлиги) натижаларда фарқ йўқлиги исботланган;

қуйилиш қисми диаметри 2 сантиметрдан юқори бўлган йирик калибрли вена томирларида, шунингдек, катта тери ости венаси тизими тузилишидаги s- ва h-типи супрафасциал ирмоқларида ўтказилган эндовеноз лазер облитерациясининг самарадорлиги ва хавфсизлиги асосланган;

маҳаллий анестетикларга аллергияси бўлган беморларда қўшимча седация ёки наркоз қўлламаган ҳолда, фақат совутилган физиологик эритма ёрдамида тумесценция билан 1470 нм радиал ёруғлик узатгичларидан фойдаланиб, эндовеноз лазер облитерациясини амалга ошириш имконияти намойиш этилган ва икки ҳалқали нурланиш толаларини, шунингдек, "Қўлда ушланадиган МНР02 (Colibri) ёруғлик узатгич" тизимини қўллаш самарадорлиги ва хавфсизлиги аниқланган;

катта тери ости томирларининг эндовеноз лазер облитерацияси пайтида тери ости нервларининг шикастланиш даражаси ва бу симптомларнинг беморлар ҳаёт сифатига таъсири аниқланган, эндовеноз термооблитерациядан кейин иккиламчи телеангиэктазиялар ривожланишининг частотаси ва хавфи омиллари аниқланган, шунингдек, иссиқ харорат таъсирида пайдо бўлган (термоиндукцион) тромбози бор беморларда орал антикоагулянтлардан тўғридан-тўғри фойдаланиш мумкинлиги исботланган;

магистрал юза томирлар орқали рефлюксни изоляция ликвидацияси ва супрафасциал оқимларни бартараф этишнинг кечиктирилган тактикасини шахсийлаштириш мезонлари ишлаб чиқилган ва унинг тизимли таҳлили ишлаб чиқилган;

амбулатор флебология клиникасига режалаштирилган тартибда консултацияга келган бирламчи беморларда спирал компьютер томография-флебографияга бўлган эҳтиёж баҳоланган, шунингдек муолажанинг диагностик имкониятлари аниқланган;

перивеноз тўқималарнинг инфилтрацияси ва ультратовуш текшируви остида сафен бўлмаган веналар ва/ёки тери ости веналари оқимларининг склерооблитерациясини амалга ошириш усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

эндовеноз лазер облитерациясида мақсадли веналарнинг диаметрини ҳисобга олишни талаб қилмайдиган стандартлаштирилган коагуляция режимларидан фойдаланган ҳолда, магистрал юзаки веналарнинг термал облитерациясини самарали, оғриқсиз ва хавфсиз бажаришга имкон берувчи оптимал энергия параметрлари исботланган;

катта калибрли веналар ва супрафасциал ирмоқларда минимал инвазив эндоваскуляр аралашувларнинг мақсадга мувофиқлиги, анамнезида маҳаллий оғриқсизлантирувчиларга аллергия реакцияси бўлган беморларда фақат совуқ физиологик эритмадан фойдаланиш усули асосланган ва турли анатомик шароитларда катетерлаш услубларининг техник салоҳияти намоёниш этилиб, бу касалхонага ётқизиш ва ВКнинг очик жарроҳликни қўллашга кўрсатмаларни минималлаштирган;

"Қўлда ушланадиган МНР02 (Colibri) ёруғлик узатгич" тизими жорий этилган, ва шу билан бирга радиал толалар(эндовеноз лазер облитерацияси учун ишлатиладиган энг қиммат сарф материали)ни сотиб олиш харажатлари 30-50% га камайтирилган ва жарроҳлик даволашнинг молиявий ва иқтисодий компонентини сезиларли даражада яхшиланган;

эндовеноз аралашувлар натижалари термал облитерациянинг энг тез-тез учрайдиган асоратлари - тери ости нервларининг шикастланиши, термал таъсир сабабли пайдо бўлган тромбоз ва иккиламчи телеангиэктазияни таҳлил қилиш орқали яхшиланган, бу уларнинг ривожланиш фоизини ишончли аниқлаш, бир қатор хавф омилларини белгилаш, ҳаёт сифатига таъсирини баҳолаш имконини берган, ва ўз ўрнида, ушбу чора тадбирлар, операциядан олдин беморларни хавфлар тўғрисида объектив хабардор қилиш, хусусан, асосланган ихтиёрий розиликни имзолаш учун асос бўлган;

термал таъсир натижасида пайдо бўлган тромбоз билан оғриган беморларда тўғридан-тўғри перорал антикоагулянтларни қўллаш самарадорлиги ва хавфсизлиги исботланган, бу паст молекуляр оғирликдаги гепаринларни парентерал юборишдан воз кечишга имкон берган;

юзаки магистрал томирларни изоляцияланган облитерация тактикаси ишлаб чиқилган шахсийлаштириш мезонларини ҳисобга олган ҳолда жорий этилган, бу супрафасциал ирмоқлардаги аралашувлар сонини камайтиришга, асоратлар ва ножўя таъсирлар хавфини камайтиришга, шунингдек, муолажа давомийлигини қисқартиришга ва беморлар учун қулайликни оширишга имкон берган;

амбулатор беморларда спирал компьютер томография-флебографияга бўлган эҳтиёж намоёниш этилган ва унинг диагностик салоҳияти таҳлил қилинган бўлиб, бу текшириш имкониятларини кенгайтирган ва шунга мос равишда веноз тизимнинг бир қатор касалликлари учун терапевтик ёндашувларни танлашни оптималлаштиришни таъминлаган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** беморларнинг аҳволини баҳолаш учун объектив мезонлардан фойдаланиш, лаборатор ва инструментал диагностиканинг замонавий усуллари, услубий ёндашувларини тўғри қўллаш ва статистик таҳлил билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг

илмий аҳамияти шундаки, олинган натижалар ва хулосалар ушбу тоифадаги беморларнинг кенг кўламли клиник ҳолатларида замонавий эндовеноз аралашувлардан фойдаланган ҳолда, оёқ веналари варикозини минимал инвазив жарроҳлик йўли билан даволаш бўйича ўтказилган тадқиқот билан тасдиқланган ёндашувларни шакллантиришга имкон беради ва тиббиёт олийгоҳларининг ўқув жараёнида ва дипломдан кейинги таълим тизимида фаол қўлланилиши учун тавсия қилиниши мумкин.

Амалий аҳамияти шундаки, олинган маълумотларга асосланиб, замонавий минимал инвазив аралашувларнинг техник, тактик, ташкилий ва молиявий-иқтисодий имкониятларини оптималлаштириш орқали оёқ веналари варикоз кенгайиши билан оғриган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифати яхшиланган ва эришилган натижалар ва хулосаларни жарроҳлик профилидаги тиббий-профилактика муассасалари фаолиятида жорий этишга тавсия қилиниши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** "Академик В. Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази" ДМ эксперт кенгашининг 2023 йил 21 сентябрдаги 2х/15-сонли хулосасига (Соғлиқни сақлаш вазирлигига 2023 йил 20 сентябрдаги 01-10/56-сонли бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларида илмий қоидаларни тадбиқ қилиш тўғрисидаги "Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган маркази ҳати) кўра:

вена деворларининг шикастланиш чуқурлигидаги аниқланган морфологик фарқлар ва кейинчалик тасдиқланган клиник самарадорлик, Оғриқсизлик ва белгиланган энергия режимларида эндовеноз лазер облитерациясининг хавфсизлиги коагуляцияланган томирларни реканализация қилишнинг паст частотаси билан техникадан фойдаланишни оптималлаштиришга ва даволанишдан кейинги даврда беморларни тез реабилитация қилишга имкон берди; Илмий янгиликни жорий этиш: олинган илмий-амалий маълумотлар Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган марказининг буйруғи билан марказнинг клиник бўлимлари ва унинг ҳудудий филиалларининг амалий фаолиятига киритилди (52-сонли 20.09.2023-сонли буйруқ). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагича: маълум оптимал энергия параметрлари термал облитерациянинг юқори самарадорлигига олиб келди ва шу билан бирга аралашувдан кейин минимал оғриқ синдромига эришишга имкон берди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: белгиланган режимлар такрорий операцияларга эҳтиёж камлиги ва ногиронлик гувоҳномасини талаб қилмайдиган муолажалардан кейин тез тикланиш туфайли 1 беморга 377,321 сўм миқдорида маблағ тежашга имкон берди. Ўрганилган облитерация режимларидан фойдаланмаслик реканализация эҳтимоли юқори бўлганлиги сабабли даволаш нархининг ошишига олиб келади, бу мақсадли томирнинг такрорий коагуляциясини ва тахминан 3,733,219 сўм харажатларни талаб қилади. Хулоса: бир йилда маълум оптимал энергия созламалари бюджет маблағларини 377,321 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 754,642 000 сўмга тежаш имконини берди. Илмий янгиликдан кенг фойдаланиш:

“Оёқлар веналарининг варикоз кенгайишини кам инвазив даволаш натижаларини яхшилаш йўллари” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган маркази директори томонидан 20.09.2023й.; №01-10/56 сонли хат юборилган;

эндовеноз лазер облитерациясининг исботланган оптимал стандартлаштирилган энергия параметрлари, уни ҳар қандай калибрли томирларда, шу жумладан диаметри 2 см дан ортиқ ва супрафасиял ирмоқларда бажариш имконияти, кўшимча наркоз ёки седацияларсиз, анамнезида локал анестетикларга аллергик реакцияси бўлган беморларда фақат совуқ физиологик эритманинг қўлланилиши, шунингдек, турли анатомик шароитларда катетер методикасининг намоиш этилган техник салоҳияти госпитализацияни ва варикоз касаллигида очик хирургик амалиётларни минималлаштириш имконини беради; Илмий янгиликни жорий этиш: олинган илмий-амалий маълумотлар Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган марказининг буйруғи билан марказнинг клиник бўлимлари ва унинг ҳудудий филиалларининг амалий фаолиятига киритилди (52-сонли 20.09.2023-сонли буйруқ). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: оёқларнинг варикоз кенгайиши билан хасталанган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини таҳлили шуни кўрсатдики, таклиф қилинган такомиллаштирилган ёндашувлар очик операциялар частотасини 40% дан 0,01% гача камайтиришга имкон берди бу эса ўз навбатида беморларни касалхонага ётқизишдан, кесмалардан, чоклардан, чандиклардан, умумий наркоз ва орқамия анестезиясидан деярли бутунлай воз кечишга имкон берди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагича: варикоз томирларини очик жарроҳлик амалиётига бўлган еҳтиёжнинг камайтириши ва тиббий ёрдамни амбулатор шароитга ўтказиш натижасида 1 беморга умумий 1 027 504 сўмни тежалишини ташкил этди, яъни беморларни даволашнинг умумий қиймати 16,7% га камайтирилди. Ишлаб чиқилган ёндашувларни қўлламаслик шифохоналарга харажатларнинг 40 фоизга оширишга олиб келади, ва уларнинг ўртача нархи 2,568,759 сўмни ташкил этади. Хулоса: бир йилда амбулатор равишда кам инвазив эндовеноз термик облитерация муолажасига янги ёндашувлар ва кўрсатмаларнинг жорий этилиши бюджет маблағларини ўртача 1 027 504 000 сўм, бюджетдан ташқари маблағларни эса 2 055 008 000 сўмга тежаш имконини берди. Илмий янгиликдан кенг фойдаланиш: “Оёқлар веналарининг варикоз кенгайишини кам инвазив даволаш натижаларини яхшилаш йўллари” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган маркази директори томонидан 20.09.2023й.; №01-10/56 сонли хат юборилган;

“Қўлда ушланадиган МНР02 (Colibri) ёруғлик узатгич” тизимининг ўрганилган, тасдиқланган самарадорлиги ва хавфсизлиги уни оёқларнинг варикоз томирларини даволаш учун катетер эндоваскуляар усуллардан фойдаланган ҳолда марказларнинг кундалик клиник амалиётига жорий этиш

имконини берди ва шу билан эндовеноз лазер учун радиал толаларни сотиб олиш харажатларини ишлатиладиган толасига қараб ўртача 30-50% камайтиради. Илмий янгиликни жорий этиш: олинган илмий-амалий маълумотлар Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган марказининг буйруғи билан марказнинг клиник бўлимлари ва унинг ҳудудий филиалларининг амалий фаолиятига киритилди (52-сонли 20.09.2023-сонли буйруқ). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагича: “Colibri” тизимидан фойдаланиш варикоз томирлари касалликларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг молиявий-иқтисодий таркибий қисмини сезиларли даражада яхшилаши мумкин, бу тиббий ёрдамнинг танланган шартларига қараб давлат ёки хусусий бюджетига ижобий таъсир кўрсатади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: тиббий хизматларнинг нархини ҳисоблаш учун  $C = Sp + Sk$  формуласи қўлланилади, бу ерда  $Sp$  тўғридан-тўғри харажатлар;  $Sk$ -билвосита харажатлар. Нурўтказгични сотиб олиш бевосита харажатларга киритилади. Шунга кўра, ўрганиш вақтидаги жорий нархлардан келиб чиқиб, стандарт толанинг нархи 1,412,817 сўмни, “Colibri” тизими учун қисқартирилган тола тўпламининг нархи эса 847,690 сўмни ташкил этди. Шундай қилиб, 1 бемор учун сарфланган харажатларнинг тежалиши 565,127 сўмни ташкил етди ва Шу кўрсаткич 430 беморга ҳисобланганда молиявий фойда 243.004.626 сўмни ташкил этди. Хулоса: “МНР02 (Colibri) ” тизимидан бир йилда фойдаланиш бюджет маблағларини 565.127.000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 1.130.254.000 сўмга тежаш имконини берди. Илмий янгиликдан кенг фойдаланиш: “Оёқлар веналарининг варикоз кенгайишини кам инвазив даволаш натижаларини яхшилаш йўллари” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган маркази директори томонидан 20.09.2023й.; №01-10/56 сонли хат юборилган;

Термал облитерациянинг тез–тез учрайдиган асоратлари: тери ости нервларининг шикастланиши, термал индукцион тромбоз ва иккиламчи телангиектазия учун хавф омилларини таҳлил қилиш ва аниқлаш орқали эндовеноз операциялар натижаларини яхшилаш қўшимча аралашувларга бўлган эҳтиёжни камайтиришга олиб келди ва термо- индукцион тромбоз аниқланган беморларда тўғридан-тўғри оғиз антикоагулянтларининг самарадорлиги ва хавфсизлиги, паст молекуляр гепаринларни парентерал юборишдан, шу жумладан кичик тиббиёт ходимларини жалб қилишдан воз кечишга олиб келади; Илмий янгиликни жорий этиш: олинган илмий-амалий маълумотлар Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган марказининг буйруғи билан марказнинг клиник бўлимлари ва унинг ҳудудий филиалларининг амалий фаолиятига киритилди (52-сонли 20.09.2023-сонли буйруқ). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагича: ривожланиш частотаси ва термал облитерация асоратлари учун хавф омиллари ишончли тарзда аниқланди, уларнинг ҳаёт сифатига таъсири баҳоланди, бу операциядан олдин беморларни объектив равишда хабардор қилиш учун асос бўлди, шу жумладан ихтиёрий розиликни имзолаш асосида

термо-индукцион тромбозларда, оғиз антикоагулянтларидан фойдаланиш, оғриқли бўлган тери ости пастмолекуляр гепаринлар инъекцияларидан воз кечишга имкон берди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: термик облитерациянинг асосий асоратлари учун хавф омилларини таҳлил қилиш ва термо- индукцион тромбоз аниқланган беморларда тўғридан-тўғри оғиз антикоагулянтларини қўллаш самарадорлиги ва хавфсизлигини исботлаш ушбу стратегияни рад этган ҳолда 1 беморга 761,413 сўм миқдорда маблағларни тежашга имкон берди. Пастмолекуляр гепаринлар билан бундай ҳолатни даволаш 1,142,120 сўмни ташкил қилади (иқтисодий самарадорлиги 1 беморга 380,707 сўмни ташкил этади). Хулоса: термик облитерация асоратлари ривожланишининг хавф омилларини ҳисобга олиш ва бир йилда термо- индукцион тромбоз билан асоратланган беморларда оғиз антикоагулянтларини қўллаш бюджет маблағларини 10 659 782 сўм ва бюджетдан ташқари маблағларни 21 319 564 сўмга тежаш имконини берди. Илмий янгиликдан кенг фойдаланиш: “Оёқлар веналарининг варикоз кенгайишини кам инвазив даволаш натижаларини яхшилаш йўллари” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган маркази директори томонидан 20.09.2023й.; №01-10/56 сонли хат юборилган;

ушбу ёндашувни шахсийлаштиришнинг ишлаб чиқилган мезонларини ҳисобга олган ҳолда асосий юзаки томирларни изоляция қилинган облитерация тактикаси жорий этилди, бу еса супрафасциал ирмоқларга аралашувлар сонини камайтиришга имкон берди. Илмий янгиликни жорий этиш: олинган илмий-амалий маълумотлар Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган марказининг буйруғи билан марказнинг клиник бўлимлари ва унинг ҳудудий филиалларининг амалий фаолиятига киритилди (52-сонли 20.09.2023-сонли буйруқ). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: такдим этилган тактикалар туфайли юзаки томирларнинг кенгайган ирмоқларини йўқ қилишнинг асоратлари ва ён таъсири хавфини камайтиришга эришилди, шунингдек муолажалар давомийлиги қисқартирилди ва беморлар учун қулайлик сезиларли даражада оширилди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагича: 20% ҳолларда минифлебектомия ёки ЭХО-ультратовуш билан бошқариладиган микропеник склеротерапия усулларида фойдаланган ҳолда юзаки томирларнинг кенгайтирилган ирмоқларини йўқ қилишнинг ҳожати йўқ, шундай қилиб 1 беморга ўртача 1,903,533 сўм маблағлар тежаш имконини беради. Ушбу ёндашувни қўллашдан бош тортиш 100% ҳолларда супрафасциал веналарни бир вақтда йўқ қилишга олиб келади ва битта бемор учун даволаниш нархини 380,706 сўмга ошб кетади. Хулоса: Магистрал юзаки томирларни изоляция қилинган ҳолда йўқ қилиш тактикасининг муваффақиятли амалга оширилиши бюджет маблағларини 380.706.000 сўм ва бюджетдан ташқари маблағларни 761.412.000 сўмга тежаш имконини берди. Илмий янгиликдан кенг фойдаланиш: “Оёқлар веналарининг варикоз кенгайишини кам инвазив даволаш натижаларини яхшилаш йўллари”

мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган маркази директори томонидан 20.09.2023й.; №01-10/56 сонли хат юборилган;

Амбулатор беморларда спирал компьютер томографиясида-флебографияга эҳтиёж аниқланди ва унинг диагностик салоҳияти таҳлил қилинди, бу веноз тизим касалликлари билан хасталанган беморларни текшириш имкониятларини кенгайтди. Илмий янгиликни жорий этиш: олинган илмий-амалий маълумотлар Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган марказининг буйруғи билан марказнинг клиник бўлимлари ва унинг ҳудудий филиалларининг амалий фаолиятига киритилди (52-сонли 20.09.2023-сонли буйруқ). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагича: Спирал компьютер томографиясида-флебографияни флебологик амалиётга фаол жорий этиш веноз тизимнинг бир қатор касалликлари учун терапевтик ёндашувларни танлашни оптималлаштиришни таъминлади ва шу билан аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагича: спирал компьютер томографияси-флебографиянинг нархи 898,700 сўмни ташкил этади, 2,6% ҳолларда мақсадли қўлланилиши туфайли кўшимча терапевтик ва диагностик муолажаларга эҳтиёж ва (Субтракцион рентген контрастли флебография, рецидив жарроҳлик амалиётлари ва бошқалар.) камаяди, бу эса шу тартибдаги бир бемор учун тахминан 5 446 413 сўм маблағни тежаш имконини беради, шу ҳолдаги умумий беморлар учун эса ўртача уларнинг ҳар бири учун 141,606 сўм маблағни тежалани ташкил қилади. Хулоса: амбулатор флебологик беморларда кўрсатмаларга мувофиқ спирал компьютер томографияси-флебографиядан бир йил давомида фойдаланиш ўртача бюджет маблағларини 15,576,660 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 31,153,320 сўмга тежаш имконини беради. Илмий янгиликдан кенг фойдаланиш: “Оёқлар веналарининг варикоз кенгайишини кам инвазив даволаш натижаларини яхшилаш йўллари” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган маркази директори томонидан 20.09.2023й.; №01-10/56 сонли хат юборилган;

перивеноз тўқималарнинг инфилтрацияси ва ултратовуш назорати остида тери ости томирларининг сафин бўлмаган ва / ёки ирмоқларини склероблитерация қилишнинг ишлаб чиқилган усули (12.03.2019 йилдаги №2681737 РФ патенти). Киритилаётган склерозант препаратнинг ҳажми ва концентрациясини камайтиришга эришилди. Илмий янгиликни жорий этиш: олинган илмий-амалий маълумотлар Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган марказининг буйруғи билан марказнинг клиник бўлимлари ва унинг ҳудудий филиалларининг амалий фаолиятига киритилди (52-сонли 20.09.2023-сонли буйруқ). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагича: таклиф қилинган усул гиперпигментация эҳтимолини потенциал равишда камайтиришга ва склеротерапия

самарадорлигини оширишга имкон берди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагича: Юборилган склерозант миқдорини камайтириш 1 беморга 125,773 сўм миқдорида маблағни тежашга олиб келди. Ушбу усулдан фойдаланмаслик ҳар бир бемор учун харажатларнинг белгиланган миқдорга ошишига олиб келади. Хулоса: перивеноз тўқималарнинг инфилтрацияси ва ултратовуш текшируви остида тери ости веналари инфилтрацияси ва/ёки инфилтрациясини склероблитерация қилиш усулининг жорий этилиши бюджет маблағларини ўртача 125.773.000 сўм ва бюджетдан ташқари маблағларни 251.546.000 сўмга тежаш имконини берди. Илмий янгиликдан кенг фойдаланиш: “Оёқлар веналарининг варикоз кенгайишини кам инвазив даволаш натижаларини яхшилаш йўллари” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган маркази директори томонидан 20.09.2023й.; №01-10/56 сонли хат юборилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 16 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан 15 та халқаро ва 1 та республика миқёсидаги конференцияларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 39 та илмий мақола, шу жумладан 18 та мақола Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия қилинган хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, саккиз боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 366 саҳифани ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва талабга эгаллиги асослаб берилган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, объектлар ва мавзулар тавсифланган, ишнинг республика фан ва техникасининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари тақдим этилган, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши, нашр этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб "**Оёқ веналарининг варикоз кенгайишини кам инвазив даволаш муаммосининг ҳозирги ҳолати. Адабиёт шарҳи**" деб номланган бўлиб, унда ВК эпидемиологияси, уни ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволашга бағишланган eLIBRARY, PubMed, Embase, ResearchGate, Web of Science, Scopus, Google Scholar, ICRCTN Registry, UpToDate, ClinicalTrials.gov ва The Cochrane Library манбаларидан олинган адабиёт таҳлили амалга оширилган, шунингдек, кичик тарихий чекиниш қилинган ва ундан сўнг замонавий кам инвазив эндоваскуляр ёрдам мавзусига ўтилиб, у бўйича мавжуд далиллар базаси тақдим этилган, ва бу ўз ўрнида, сув ютувчи

нурланиш спектрли ва радиал эмиссияли ёруғлик узатгич ёрдамида ўтказиладиган термал облитерация муолажасини, хусусан ЭВЛОни, замонавий халқаро клиник тавсияларга мувофиқ, варикозланган веналардаги аралашувларнинг "олтин стандарти" деб эътироф этишга имкон берган.

Сўнгра, мавжуд адабиётлардаги нашрларни эътиборга олган ҳолда, ВКни кам инвазив даволашнинг етарлича ўрганилмаган жиҳатлари аниқланди ва асосланди, бу эса ушбу тоифадаги беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш учун ҳар томонлама тизимли таҳлилни ва клиник синовларда комплекс баҳолашни талаб қилади.

Иккинчи боб "**Клиник материаллар ва тадқиқот усуллари**" учта бўлимдан иборат бўлиб, тадқиқот асослари ва объектларига, клиник материалнинг умумий хусусиятларига, оёқ веналарининг варикоз кенгайишини ташхислаш ва кам инвазив даволаш усулларига, шунингдек илмий тадқиқотлар ва статистик таҳлил усулларига бағишланган.

Тадқиқот иши Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Жанубий Урал Давлат тиббиёт университети Қўшимча касбий таълим институти жарроҳлик кафедрасининг базаси бўлган амбулатор флебология клиникасида амалга оширилди, бу ерда 2015 йил январидан 2022 йил апрелигача 33008 та бирламчи флеболог консултацияси ўтказилган. Деярли ҳар бир ҳолатда шифокор текшируви, оёқ веналарининг ултратовушли дуплекс сканерлаш билан тўлдирилган. Белгиланган даврда 9 729 беморда 7 324 магистрал юзаки веналар ЭВЛО амалиёти ўтказилди.

Диссертация тадқиқотлари ва унинг умумий низомлари Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Жанубий Урал Давлат тиббиёт университети қошидаги Этик комиссиясининг йиғилишларида тасдиқланди (13-сонли протокол 28/11/2012, 10-сонли протокол 23/10/2015, 9-сонли протокол 17/12/2021). Диссертация ишининг дизайни 1-расмда тақдим этилган.

Танланган намуналар ҳажмини ҳисоблаш ва тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш учун "шартсиз аниқ тест" (unconditional exact test) ни ўтказиш учун қўшимча Exact пакети билан "R" статистик дастурлашнинг очиқ тили қўлланилган.

Микдорий хусусиятларнинг тақсимланишини баҳолаш учун Шапиро–Уилк усули ишлатилган. Нормал тақсимланишда намуна бўйича маълумотларнинг рақамли қийматларини тавсифлаш учун ўртача қиймат ва стандарт оғиш ишлатилган. Нормал бўлмаган тақсимланишга эга микдорий хусусиятлар медиан, кватриллар ва кватриллараро(интеркватрильный) диапазон ёрдамида ифодаланган. ( $IQR=Q3-Q1$ ).

Нормал тақсимланган маълумотларни таққослаш учун параметрик статистика усуллари (бир факторли дисперсион таҳлил) ишлатилган, ғайринормал тақсимланган маълумотлар учун эса параметрик бўлмаган статистика усуллари (мезон Краскел-Уоллес Н-тести) ишлатилган. Жуфтли таққослаш учун Манн-Уитни мезонидан фойдаланилган. Кўплаб таққослашлар натижасида Р қиймати Холм усули билан коррекция қилинган.

2015-йил январдан 2022 йил апрелигача **33008** та беморга пастки оёқ томирлари ултратовуш текшируви билан бирламчи флеболог маслаҳати ўтказилди. **9729** ЭВЛО **7324** беморда ўтказилди.

Ушбу маълумолар бир қатор ягона марказли тадқиқотлар учун асос бўлди

**ЭВЛОНинг турли хил 1470 нм натижаларини ўрганиш худди шу ЛПЭ билан қувват (5-10 Вт) (тахминан 70 Дж / см)**

- Истиқболли қиёсий морфологик кўр-кўрона ўқиш
- 30 дан коагуляцияланган томирларнинг бўлаклари беморлар ўрганилди
- 3 таккослаш гуруҳлари
- Натижалар 3.1-бўлимда келтирилган

- истиқболли рондомлашган назорат кам бўлмаган самарадорлик учун синов (non-inferiority) Сўнги нуктанинг кўр-курона баҳолаш
- 203 беморда 245 оёқларни таҳлил қилиш
- 3 таккослаш гуруҳлари
- Натижалар 3.2-бўлимда келтирилган

**Молиявий такомиллаштириш имкониятларини ўрганиш ва иссиқлик изоляциясининг иқтисодий самарадорлиги**

- Истиқболли беқиёс тадқиқот
- 430 беморда ўтказилган 511 ЭВЛО киритилган
- Натижалар 5-бўлимда келтирилган

**КТВ ЭВЛОда тери ости нерв толаларининг шикастланишини таҳлил қилиш**

- Ретроспектив тадқиқот
- 119 беморда 151 КТВ ЭВЛО ўтазилган
- Натижалар 6.1-бўлимда келтирилган

**Даволаш имкониятини ўрганиш ПОАК билан термал индукция қилинган тромбоз**

- Истиқболли беқиёс тадқиқот
- 21 бемор киритилган
- Натижалар 6.2-бўлимда келтирилган

**Катта калибрли КТВ қўйилиш қисмиқисми (диаметри 2 см дан ортиқ) ЭВЛО натижаларини ўрганиш**

- Истиқболли беқиёс тадқиқот
- Ҳисоб 261 пастки экстремал 231 да бемор
- Натижалар 4.1-бўлимда келтирилган

**Эндовеноз термо-облитерациядан кейин иккиламчи кестириб, ТАЭ ўрганиш**

- Истиқболли беқиёс тадқиқот
- 121 беморда 143 пастки оёқларини баҳолаш
- Натижалар 6.3-бўлимда келтирилган

**ЭВЛОНинг супрафасиял ирмоқларга таъсири натижаларини ўрганиш**

- Истиқболли беқиёс тадқиқот
- 343 оёқлар 315 беморларда баҳолаш
- Натижалар 4.2-бўлимда келтирилган

**Изоляция қилинган йўқ қилиш тактикасини ўрганиш асосий сирт томирлари бўйлаб рефлюкс**

- Истиқболли беқиёс тадқиқот
- Киритилган 374 беморларда 420 ЭВЛО ўтди
- Натижалар 7.2-бўлимда келтирилган

**ЭВЛО тумессенс хусусиятларини фақат совутилган физиологик эритма билан ўрганиш**

- Истиқболли беқиёс тадқиқот
- 41 ЭВЛО ўтказган 37 беморлар киритилган
- Натижалар 4.3-бўлимда келтирилган

**СКТ флебографиясига бўлган ехтиёжни ўрганиш ва унингдиагностика имкониятлари**

- 10112 беморнинг маслаҳатлари натижаларини таҳлил қилиш
- 260 беморнинг СКТ-флебографиясига юборилди
- Кўшимча маълумот олиш учун 8-бўлимга қаранг

**Икки нурланиш ҳалқали радиал нурўткаўғич қўлланмаларидан фойдаланишни ўрганиш**

- Истиқболли беқиёс тадқиқот
- 463 беморда 575 ЭВЛО киритилган
- Натижалар 4.4-бўлимда келтирилган


## 1-расм. Диссертация ишининг кўриниши

Сифат белгиларини таққослаш  $\chi^2$  тести ва Фишер аниқ тести ёрдамида амалга оширилди. Касрлар ва частоталар учун 95% ҳоллардаги CI (ишонч оралиғи) Сисон ва Глац усули билан ҳисобланган. Тушириб қолдирилган маълумотларни қайта ишлаш таклиф қилинмади. Аҳамиятлилигининг критик даражаси 0,05 ни ташкил этган. Эксперт хулосаларининг изчиллигини баҳолаш Флейс каппаси ёрдамида амалга оширилган.

Диссертациянинг "**Эндовеноз лазер облитерациясининг энергетик параметрлари**" деб номланган учинчи бобби иккита бўлимдан иборат. Биринчиси, **бир хил ЧЭЗ (ЛПЭ) билан турли хил қувватларда ўтказилган ЭВЛОдан кейинги веналардаги морфологик ўзгаришларга** бағишланган.

Истиқболли таққословчи морфологик тадқиқот кўр усулда (слепой метод) ўтказилган бўлиб, катта ТОВ ва унинг супрафасциал ирмоқларида, битта ҳалқали автоматик тракцияли радиал ёруғлик узатувчилар ёрдамида тўлқин узунлиги 1470 нм бўлган қурилмада ЭВЛО муолажасини бошдан кечирган 30 нафар беморни ўз ичига олган. Веноз ирмоқнинг мос

анатомияси, яъни каттаТОВдан (s- ва h-типтаги тузилиши) рефлюкс тарқалиши кузатилган соннинг пастки ва ўрта учдан бир қисмида тўғри супрафасциал ирмоқнинг мавжудлиги, шунингдек, бемор томонидан имзоланган минифлебэктомия ўтказишга унинг ихтиёрий розилиги киритиш мезонлари бўлиб ҳизмат қилган. Истисно қилиш мезонлари сифатида мақсадли веналарнинг супрафасциал қисмининг диаметри 1 см дан ортик бўлиши ва анамнезда ушбу веналарнинг тромбози деб белгиланди. Ушбу мезонларга жавоб берадиган барча беморлар кетма-кет ёши ва жинси бўйича таққосланувчи, 10 кишидан иборат учта гуруҳга киритилган. Супрафасциал участкаларнинг ўртача диаметри гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқларсиз  $7,4 \pm 1$  мм ташкил этди ( $P > 0,05$ ). Нурланиш қуввати (Вт) ва ёруғлик узатувчининг тракцион тезлиги (мм/с) – биринчи гуруҳда – 5 ва 0,7 (71,4 Дж/см ЧЭЗ), иккинчисида – 7 ва 1 (70 Дж/см ЧЭЗ), учинчисида - 10 ва 1,5 (66,7 Дж/см ЧЭЗ) (2 - расм).




**2-расм. Ҳар бир гуруҳ бўйича ЭВЛО режимлари**

Лазерли облитерация процедурасидан сўнг, соннинг ўрта учдан бир қисмидаги коагуляцияланган супрафасциал веналарнинг бўлаклари мини-киришлар орқали олинган, алоҳида флаконларга жойлаштирилган, рух-этанол-формалдегид билан фиксланган, сувсизлантирилган ва стандарт технология бўйича парафинга қуйилган. Ҳар бир венада бир-биридан 2 мм масофада бўлган учта кесма қилинган. Ван Гизон усули бўйича препаратлар гематоксилин-эозин ва пикрофуксин билан бўялган.

Кейин ҳар бир кесманинг тўртта жойида (3, 6, 9 ва 12 соатларда) вена деворининг қалинлиги ўлчанган, унинг шикастланишининг ўртача чуқурлиги баҳоланган ва ўртача ўзгариш(альтерация) коэффиенти ҳисоблаб чиқилган - шикастланиш чуқурлигининг вена девори қалинлигига нисбати. Жами 360 та – ҳар бир гуруҳ бўйича 120 та ўлчов амалга оширилди. Препаратлар беморнинг маълум бир гуруҳга мансублиги ҳақида маълумотга эга бўлмаган учта тажрибали мустақил морфологлар томонидан кўр-кўрона таҳлил қилинган.

Веноз девор шикастланишининг ўртача чуқурлиги, биринчи гуруҳда 122,9 мкм, иккинчисида 182,8 мкм ва учинчисида 266,8 мкм ( $P=0,0001$ ) ни ташкил қилган. Биринчи гуруҳдаги алтерациянинг ўртача фоизи 25,7%, иккинчисида 37,9% ва учинчисида 55,4% бўлган (гуруҳларнинг ҳар бирини таққослаганда  $P=0,0001$ ) (3 расм). Шундай қилиб, биринчи гуруҳдан учинчи гуруҳга қадар ЧЭЗ нинг бироз пасайишига қарамай, қувватнинг ошиши билан веналар деворларининг шикастланиш чуқурлиги ва фоизи статистик жиҳатдан сезиларли даражада ошган. Веноз деворнинг бутун қалинлиги бўйлаб перфорациялар ҳеч бир препаратда кузатилмаган.

**Бундан сўнг, кўрсатилган энергия режимларининг энг кам самарадорлик (non-inferiority) мезони бўйича, сўнгги нуқтани "кўр" баҳолаш орқали, бир марказли рандомизацияланган назорат қилинувчи қиёсий клиник тадқиқот амалга оширилган (ClinicalTrials.gov ID: NCT03037827).** РКС юзаки веналарда аралашув ўтказиш учун мурожаат қилган беморларни ўз ичига олган, кейинчалик улар 2-расмда кўрсатилган ва юқорида муҳокама қилинган энергия параметрлари бўйича рандом равишда уч гуруҳга бўлинган.




**3-расм. Ҳар бир гуруҳдаги медианалар, веноз деворлари жароҳатланиши (альтерацияси) бўйича СИ ишонч оралиғи ва IQR коэффиценти кўрсаткичлари (%)**

Барча ҳолатларда ЭВЛО амбулатор шароитда, тумесцент офриксизлантириш остида, кроссэктомиясиз, премедикациясиз, тўлқин узунлиги 1470 нм бўлган қурилмада, узлуксиз режимда, стандарт ўлчамдаги 600 мкмли бир ҳалқали радиал ёруғлик узатгич ёрдамида амалга оширилган. "v. epigastrica superficialis"нинг сал пастроғида жойлашган бирикма қуйилиш жойи(соустье)дан 2 см масофа оралиқ ташлаб, қилинган коагуляция билан

бирга толанинг автоматик тракцияси амалга оширилган. Ҳар бир ҳолатда, изоляция қилинган катта тери ости венасида ЭВЛО амалиёти бошқа магистрал юзаки томирларда аралашувсиз, шунингдек супрафасциал ирмоқлар ва/ёки перфорант томирларни симултан бартараф қилишларсиз амалга оширилди. Оёқ веналарининг назорат текширувлари ва УТДС, операциядан кейинги кун, бир ҳафта ўтгач, икки ва олти ойдан кейинги муддатларга режалаштирилган.

Бирламчи сўнги нукта (асосий натижа): олти ойлик муддатда облитерация частотаси. Иккиламчи сўнги нуқталар (қўшимча натижалар): РОБ шкаласи бўйича 0 дан 10 гача балларда баҳоланган ЭВЛО дан сўнг бир сутка, етти кун ва икки ой ўтгач, амалиёт ўтказилган катта ТОВ даги оғрик даражаси; операциядан кейин бир ҳафта давомида аналгетик препаратларни қабул қилиш зарурати. Шунингдек, ҳар қандай жиддий нохуш ҳодисалар ҳам баҳоланди.



4-расм. CONSORT диаграммаси

Катта ТОВнинг ЭВЛО амалиёти ўтказилган, 2017 йилнинг февралдан 2020 йилнинг июнь ойигача операция қилинган 203 нафар беморларнинг 245 та пастки тана оҳирлари(оёқлари) изчил тарзда тадқиқотга киритилган. 83–та оёқ биринчи гуруҳга (5 Вт, 0,7 мм/с), 79–таси иккинчи гуруҳга (7 Вт, 1 мм/с), 83–таси учинчи гуруҳга (10 Вт, 1,5 мм/с) рандомлаштирилган. CONSORT блок–схемаси 4–расмда тақдим этилган.

Гуруҳлар жинси, ёши, тана массаси индекси, коагуляцияланган томирларнинг узунлиги, соннинг ўрта учдан бирида сафено-феморал бирикмама-қуйилиш жойидан 3 см масофадаги катта ТОВнинг диаметри, катта ТОВ пункция даражаси, анестетик миқдори, профилактик антикоагуляциядан фойдаланиш даражаси, СЕАР классификацияси кабилар бўйича таққосланган ( $P>0.05$ ).


**Бирламчи сўнгги нуқта:** олти ойлик муддатда 214–та оёқ текширувдан ва УТДС дан ўтказилган. Биринчи гуруҳда катта ТОВ танасининг облитерацияси барча 72 ҳолатларда кузатилган (100%; 95% CI, 100-100%), 2 ва 3 гуруҳларда – 71 оёқдан 70–тасида (98.6%; 95% CI, 97-100%). Статистик таҳлил муайян бир коагуляция режимининг бошқаларга нисбатан афзалликлари йўқлигини тасдиқлади:

1-гуруҳ 2-гуруҳга нисбатан (100% ва 98,6%;  $P=0,03$ ),

1-гуруҳ 3-гуруҳга нисбатан (100% ва 98,6%;  $P=0,03$ ),

2-гуруҳ 3-гуруҳга нисбатан (98,6% ва 98,6%;  $P=0,02$ ). Барча  $P$  қийматлари кам бўлмаган самарадорлик учун тақдим этилган, кўплаб таққослашлар учун ўрнатилган.

**Иккиламчи сўнгги нуқталар:** ЭВЛОдан кейин бир сутка ўтгандаги оғриқ синдроми интенсивлигининг скрипка ва унга проекция қилинган қути шаклидаги диаграммаси, 5 расмда тақдим этилган. ЭВЛОдан кейин икки сутка, етти сутка ва икки ой ўтганда, статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар топилмаган. 161 та катта тери ости венасининг бир томонлама эндовеноз лазер облитерациясидаги сезгирлик таҳлили барча белгиланган кузатув даврларида гуруҳлар ўртасида оғриқ даражасида фарқлар йўқлигини тасдиқлади.



**5-расм. ЭВЛО муолажасидан бир сутка кейинги оғриқ интенсивлигининг тақсимланиши**

Анальгетик қабул қилишга бўлган эҳтиёж биринчи гуруҳда 7 (8,4%), иккинчи гуруҳда 5 (6,3%) ва учинчи гуруҳда 4 (4,8%) ҳолларда пайдо бўлган.

Оғриқ қолдирувчи воситаларни қабул қилиш частотасидаги фарқлар статистик жиҳатдан шубҳали бўлган ( $P=0,61$ ).

Аралашувдан бир сутка кейинги УТДС текширувида, қисқа муддатли (1–2 ҳафта) антикоагулянтларни қабул қилишни талаб қилувчи, термал таъсир натижасида пайдо бўлган иккита тромбоз (ЕНТ) аниқланган ва Kabnick L.S. классификациясига кўра 2–даражали деб топилган, 1 (1,3%) 7 Вт қувватли гуруҳда ва яна 1 (1,2%) 10 Вт қувватли гуруҳда ( $P=0,77$ ). Бошқа веноз тромбоэмболик асоратлар (ЧВТ, ЎАТЭ), шунингдек, ёруғлик узатувчининг ишчи қисми узилиб кетиши, коагуляцияланган катта ТОВ бўйлаб флебит ривожланиши, нервларнинг сезиларли шикастланиши, таранглашган гематомалар, йирингли-септик асоратланиш каби асоратлар ҳеч бир гуруҳда аниқланмаган.

Катта ТОВнинг варикоз ирмоқлари тромбози таққосланадиган фоизда ривожланган, ва ўрганилаётган сўнгги нукталар бўйича натижаларни баҳолашга таъсир кўрсатиши мумкин эмас эди: 4 (4,8%), 5 (6,3%) ва 4 (4,8%) ҳолатлар мос равишда, 1, 2 ва 3 гуруҳларда ( $P=0,61$ ).

Диссертациясининг тўртинчи боби **"Эндовеноз лазер облитерациясининг замонавий имкониятлари ва техник жиҳатлари"** деб номланган ва бешта бўлимда келтирилган бўлиб, улардан биринчиси қуйилиш қисми йирик калибрли (2 сантиметрдан ортиқ диаметрда) бўлган катта тери ости веналаридаги аралашувларга бағишланган.

Проспектив таққосланмайдиган тадқиқотга, 261 та катта ТОВ ЭВЛО ўтказилган, 2014 йилнинг ноябридан 2019 йилнинг июнь ойигача операция қилинган 231 нафар бемор изчил равишда киритилган. Аёллар сони 147 (63,6%), эркаклар сони 84 (36,4%) нафарни ташкил этган. Уларнинг ёшлари 34 ёшдан 78 ёшгача ( $55,3 \pm 8,1$  ёш) бўлган.

Асосий киритиш мезонларига КТОВ ҳавзасидаги бирламчи ВК, КТОВ тик турган ҳолатда 2 см дан ортиқ диаметрда бўлган қуйилиш жойига яқин қисми, шунингдек беморларнинг барча режалаштирилган назорат текширувларига келиш имкониятлари кабилар кирган. Истисно қилиш мезонларига КТОВдаги пост-тромботик ўзгаришлар мавжудлиги, шунингдек динамикада кузатилиш имконияти йўқлиги кирган.

ЭВЛО амбулатор шароитда, кроссэктомиясиз, тумесцент анестезия остида, тўлқин узунлиги 1470 нм бўлган лазерда, узлуксиз режимда, автоматик тракция билан битта ҳалқали радиал ёруғлик узатувчилар ёрдамида амалга оширилган. Барча ҳолатларда 8 дан 10 ваттгача қувват ишлатилган. Кенгайтирилган зонадаги ЧЭЗ 80 дан 150 Дж/см гача бўлган. Беморлар процедурадан кейинги биринчи ҳафта давомида, сўнг 2-6 ой муддатларида текширувдан ўтказилган.

КТОВнинг қуйилиш жойидаги диаметри 21 дан 43 мм гача ( $24 \pm 6,4$  мм) ни ташкил қилган. Кузатув даври – 61 дан 540 кунгача ( $178 \pm 67$  кун) бўлган. ЭВЛОдан кейинги суткада барча 261 (100%) ҳолатларда сон бўйлаб КТОВ окклюзиясига эришилган, уларнинг 31 (11,9%) ҳолатида кенгайтирилган қуйили жойига яқин сегментида қолиб кетган бўшлиқ топилган. Бир вақтнинг ўзида, еттинчи суткада оёқларнинг 21 (67,7%) ушбу бўшлиқ аниқланмай

қолган. Дастлабки босқичда, ушбу тоифадаги беморларда биз, СФС (сафено-феморал бирикма қуйилиш қисми) зонасининг қон оқими сақланиб қолган участкаларида яхши техник натижа берган 3 та (1,1%) такрорий ЭВЛО ўтказганмиз.

Шунингдек, УТДС маълумотларига кўра, муолажадан бир сутка ўтган муддатда, 7 (2,7%) ҳолатда термал таъсир остида пайдо бўлган, Kavnick L.S. классификациясига кўра 2-даражали тромбоз қайд этилган. Ушбу беморларга терапевтик дозаларда парентерал ёки ПОАК бўлган паст молекуляр оғирликдаги гепаринлар ва бир ой давомида ҳар етти кунда режадан ташқари кўриклар буюрилган. Барча беморларда 1-4 ҳафтада ЕНПТ лизиси белгиланган.

6 ва 12 ойдан кейинги текширувлар пайтида 12 оёқларда КТОВнинг узунлиги  $19 \pm 6$  мм бўлган ва асл диаметрининг кескин кичрайиши (ўртача 1,2 см) билан бирга операциядан сўнгги вена қолдиқлари топилган. Ҳеч қайси ҳолатда вена қолдиғида патологик рефлюкс аниқланмаган. Қолган 249 (95,4%) оёқларда веналарнинг бирикма қуйилиш қисмидаги кенгайтирилган майдон бутунлай резорбсияланган. Узоқ муддатли даврда фақат 2 (0,8%) нафар беморда патологик ретроград қон оқими билан узоқ муддатли реканализация аниқланган, ва бу такрорий ЭВЛОни талаб қилган.

Кейинги кичик бўлим сондаги **КТОВ супрафасциал ирмоқларини бартарарф этиш имкониятларига** бағишланган.

Таққосланмайдиган проспектив таҳлилга 2014 йил апрель ойидан 2017 йил май ойигача операция қилинган 315 нафар бемор киритилган бўлиб, уларга 343 та КТОВ ва сондаги тўғри чизиқли ирмоқлари ЭВЛО бажарилган. Улардан 212 нафари аёл (67,3%) ва 103 нафари эркак (32,7%) бўлган. Беморлар ёши 21 дан 83 ёшгача ( $52,4 \pm 14,7$  ёш) бўлган. Тадқиқотга киритиш изчил тарзда ўтказилган бўлиб, белгиланган даврда клиникага мурожаат қилган барча беморлар киритилган. Киритиш мезонларига КТОВ тизимининг s- ва h-типдаги тузилишлари, 5 см дан ортиқ супрафасциал ирмоқ узунлиги ва назорат текширувларига келиш имконияти киритилган. Веналарда посттромботик ўзгаришларнинг мавжудлиги, ирмоқ узунлиги 5 см дан кам бўлиши, истисно мезонлари сифатида кўриб чиқилган.

Кузатув даври 72 дан 357 кунгача (143; 217) бўлган, КТОВнинг қуйилиш жойига яқин қисмидаги диаметри – 4 дан 35 мм гача ( $14 \pm 4,3$  мм), супрафасциал ирмоқларнинг ўртача диаметри – 5 дан 14 мм гача ( $9 \pm 2,3$  мм), коагуляцияга учраган маҳаллий флебэктазлар бундан мустасно бўлган.

Техник муваффақиятга 340 (99,1%) ҳолларда 2 ойгача бўлган эрта кузатув давларида эришилган. Ушбу даврда 3 (0,9%) беморда сегментал патологик рефлюкс билан кечган коагуляцияланган ирмоқни реканализацияси кузатилган. Клиник қайталаниш йўқлигига қарамай, уларда ЭХО-назорат остида микроўпикли склеротерапия ўтказилган. Беморларнинг бирортасида ҳам такрорий ЭВЛО керак бўлмаган. Олти ойдан сўнг, 315 нафар беморда 304 нафари (96,5%) назорат текширувига келишган. Реканализациянинг янги ҳолатлари кузатилмаган.

Супрафасциал ирмоқда кузатилган асоратлар: унинг проекциясида гиперпигментация 74 (21,5%) оёқларда ривожланган, аммо уларнинг аксарияти аҳамиятсиз бўлган ва тахминан олти ой давомида изсиз ғойиб бўлган. 6 (1,7%) нафар беморда олти ойдан бир йилгача ёки ундан кўпроқ давом этган жиддийроқ гиперпигментация аниқланган. Кучли оғриқ синдроми билан йўлдош кечган, облитерация қилинган ирмоқ флебитини хам 6 (1,7%) ҳолатларда ривожланган. Облитерация зонасида терининг маҳаллий тортилиши (чуқурчалар) 5 (1,5%) оёқларда аниқланган. 3 (0,9%) нафар беморда бу чуқурчалар олти ой муддатдаги текширув вақтидагача сезиларли даражада регрессия қилган, аммо 2 (0,6%) ҳолларда улар узоқ муддатли даврда сақланиб қолган.

Бундан сўнг, **фақат совутилган физиологик эритма билан тумесценция остида ўтказилган ЭВЛО** мавзуси кўриб чиқилган. Таққосламайдиган ягона марказли проспектив таҳлилга 2014 йилнинг ноябр ойдан 2019 йилнинг июнигача 41 та магистрал веналарнинг изоляцияланган ЭВЛОси ўтказилган 37 нафар бемор изчил равишда киритилган. Амид гуруҳидаги беморларнинг локал анестезияга аллергияси ва/ёки анамнездаги бошқа дориларга кўплаб аллергик реакциялари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, уларда оғриқсизлантириш ва тумесценция сифатида, маҳаллий анестетикларни ва/ёки бошқа дориларни қўшмаган ҳолда, шунингдек седация ёки наркозсиз, фақат +3-+6°C ҳароратгача совутилган физиологик эритма ишлатилган.

Улардан 11 нафари эркак (29,7%) ва 26 нафари аёл (70,3%) бўлган. Беморларнинг ўртача ёши 44 ёшни ташкил этган (36,5; 62). Барча ҳолатларда, агар бундай эҳтиёж сақланиб қолса, микропеник склеротерапия ёрдамида асосий юзаки томирни изоляцияланган ҳолда йўқ қилиш ва ундан 2-3 ойдан кейинги ирмоқларни кечиктирилган бартараф этиш тактикаси қўлланилган.

КТОВ 33 (80,5%) ҳолларда, олд қўшимча тери ости венаси (ПДПВ) 5 (12,2%) ва кичик тери ости венаси (МПВ) 3 (7,3%) ҳолда коагуляция қилинган. СФ бирикма қуйилиш жойи (СФС) ёки СП бирикма қуйилиш жойи (СПС) 3 см бўлган веналарнинг ўртача диаметрининг медианаси 10 мм (8,2; 11) ни ташкил этган. Коагуляцияланган венанинг ўртача узунлигининг медианаси 45 см (22; 51), киритилган физиологик эритма миқдорининг ўртача медианаси 300 мл (200; 450), вена узунлигининг бир сантиметрига нисбатан эритма ҳажмининг ўртача медианаси 8,7 мл (7,5; 10) га тенглиги аниқланган. Барча беморлар, истисносиз, аралашувдан ўтдилар. Оғир интраоператив оғриқ синдроми туфайли процедураларнинг ҳеч бири тўхтатилмади. Энергия таъминоти жараёнида баъзи беморлар маҳаллий нохуш туйғуларни бошдан кечирганлар, бу коагуляция зонасига томир бўйлаб совуқ физиологик эритма қўшилиши билан тўхтатилган, шундан сўнг облитерация стандарт режимда давом этган. Жарроҳликдан кейин барча беморлар "Агар керак бўлса, бундай процедурани такрорлаган бўлармидингиз?" деган саволга ижобий жавоб берганлар.

Барча 41 (100%) ҳолда веналарлар реканализациянинг ултратовуш белгиларисиз эрта кузатув муддатларида облитерация қилинган. Кам

холларда кузатилган процедурадан сўнгги бош оғриқларидан ташқари, сезиларли асоратлар қайд этилмаган.

Кейинги кичик бўлим **иккита нурлантириш ҳалқасига эга радиал ёруғлик узатгичларидан фойдаланишга** бағишланган. Такқосланмайдиган проспектив тадқиқотга 2014 йил июлдан 2015 йил июлгача операция қилинган 463 нафар беморлар киритилиб, уларга амбулатор шароитда икки ҳалқали ёруғлик ўтказгичли кроссэктомиясиз 575 та ЭВЛО бажарилган. Фақат техник натижа ва қурилмадан фойдаланиш хавфсизлиги баҳоланиши керак бўлган. Шу тарзда, веналар облитерацияси ва реканализациянинг йўқлиги дастлабки(асосий) сўнгги нуқта сифатида қаралган. Жараён билан боғлиқ жиддий асоратлар иккиламчи сўнгги нуқта сифатида таҳлил қилинган. Мақсадли томирдаги такрорий аралашувлар зарурати ҳам баҳоланган.

388 (67,5%) ҳолларда КТОВ, 75 (13%) ҳолларда олд қўшимча ТОВ ва 112 (19,5%) ҳолларда кичик ТОВ коагуляция қилинган. Процедуралар тўлқин узунлиги 1470 нм бўлган лазерда, 10 Вт қувватда, тумесцент анестезия остида, 1,5 мм/с ёруғлик узатгичнинг автоматик тракцияси ва 66,7 Дж/см ЧЭЗ билан амалга оширилган. Қуйилиш жойига яқин (приустьевой) қисмдаги веналарнинг диаметри 4 дан 38 мм гача (ўртача  $14 \pm 3,1$  мм) ни ташкил этган. Кўриқлар стандарт равишда ЭВЛОдан кейинги суткага белгиланган, ва эҳтиёжга кўра, бир ҳафта ичида, кейин эса икки ва олти ойдан кейинга белгиланган.

Кузатув даври 54 дан 370 кунгача, ўртача 131 кунни ташкил этган (105; 213). Коагуляцияланган веналарнинг облитерациясига 572 (99,5%) ҳолларда эришилган. Олти ойгача бўлган муддатда учта оёқда реканализация қайд этилди, бу такрорий ЭВЛОни ўтказишни талаб қилди ва яхши техник натижаларга эришиш билан ЧЭЗни 100 Дж/см гача оширишга имкон берган. Ҳеч қандай жиддий асоратлар кузатилмаган.

**ВКни даволашда ЭВЛОнинг индивидуал ҳолатлари ва техник имкониятлари** алоҳида ёритилган. 2015 йил январидан 2022 йил апрелигача бўлган даврда клиника базада 7324 нафар беморда, магистрал веналарнинг 9729 ЭВЛОси ўтказилган. Таъкидлаб ўтиш жоизки, техник сабабларга кўра муолажадан воз кечишнинг бирон бир ҳолати бўлмаган. Такдим этилган материалдан кўриниб турибдики, бугунги кунда замонавий катетерлар ва радиал ёруғлик узатгичларининг пайдо бўлиши, шунингдек, катта тўпланган клиник тажриба туфайли эндовеноз термал облитерация усуллари, хусусан ЭВЛОни чекловчи омиллар деярли мавжуд эмас. Диссертация матнида тасвирланган клиник мисоллар ва амалий тавсиялар келтирилган.

Бешинчи боб **"Термал облитерациянинг молиявий-иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари"**га бағишланган. ЭВЛО учун сарф материаллари нарҳини пасайтириш мақсадида Медиола (Belarus) компанияси томонидан "Қўлда ушланадиган МНР02 (Colibri) ёруғлик узатгич" ишлаб чиқилган. Ушбу тизим туфайли толанинг узунлигини қисқариши ҳисобига ҳам, улагичларни лазер қурилмасининг генерация блокига улаш зарурияти йўқлиги ҳисобига ҳам ишлаб чиқаришдаги ҳаражатларни тежаш

имконияти пайдо бўлган. Буларнинг барчаси, оқибатда толанинг(энг қиммат сарф материали) якуний нарҳини 30-50% гача камайтириши белгиланган.

Таққосланмайдиган проспектив ягона-марказли тадқиқотга 2018 йилнинг январ ойидан 2019 йилнинг март ойигача бўлган муддатда операция қилинган ва “Қўлда ушланадиган МНР02 (Colibri) ёруғлик узатгич” тизимини қўллаш йўли билан 511 та ЭВЛО ўтказилган, 430 нафар бемор изчил тарзда киритилган.

Чуқур томир тромбози (ТГВ), ўпка артериясининг тромбоэмболияси (ТЭЛА), нервларнинг перманент шикастланиши, терининг куйиши, ёруғлик узатгичнинг ишчи қисмини ажраб кетиши каби оғир асоратлар кузатилмаган.

Олтинчи бобда **"Термал облитерация асоратлари"**нинг кенг қамровли таҳлили келтирилган бўлиб, бу ерда биринчи кичик бўлим **КТОВ ЭВЛО қилишда тери ости нервларининг шикастланишига** бағишланган.

Ретроспектив бир марказли тадқиқотларга 119 нафар бемор киритилиб, уларга 2017 йил февралдан 2018 йил февралгача КТОВни минифлебэктомиясиз ва ирмоқлар склеротерапиясиз 151 та алоҳида ЭВЛО бажарилган. Барча беморлар 2018 йил март ойи бошида телефон орқали сўровномадан ўтказирилган. Сўровномага беморлар учун операциядан кейинги даврда парестезия, увушишлар, тегиниш пайтида увушиш борлиги, тактил ва ҳарорат сезгирлигининг бузилиши, бу шикоятларнинг давомийлиги, шунингдек, ушбу ҳолатларнинг ҳаёт сифатига таъсири ҳақидаги принципал масалалари ҳақида тушунарли саволлар киритилган (бу шикоятлар Сизнинг яшашингизга халақит берадими/берганми ёки Сиз уларни фақат тегиниш пайтида ҳис қиласизми/ҳис қилганмисиз ва улар сизни ҳеч қандай безовта қилмайдими/безовта қилмаганми?). Сўров муайян натижаларда қизиқиши бўлмаган мустақил шахс - на операция жарроҳ, на клиниканинг ходими бўлмаган шахс томонидан ўтказилган. Анкетани таҳлил қилганда, операция қилинган аъзонинг 61 (40,4%) да тери ости нервларнинг шикастланишига хос шикоятлар мавжуд бўлган. Шу билан бирга, бу симптоматика ҳаёт сифатини фақат 7 (4,6%) ҳолларда пасайтирган. Барча респондентлар вақт ўтиши билан унинг аста-секин регрессиясини қайд этишган. Тадқиқот вақтида шикоятлар фақат 25 (16,5%) оёқларда қолган ва қолган 36 (23,8%) да эса аниқланмаган. Уларни тўхтатиш медианаси 2 ой (1; 6) ни ташкил қилган. Ҳаёт сифати пасайган 7 нафар беморнинг аломатлари атиги 3 тасида (1,9%) сақланиб қолган ва уларнинг интенсивлиги ҳам вақт ўтган сари камайиб борган.

21 (13,9%) респондентда симптоматика сон соҳасида, 11 (7,2%) ҳолатда тизза соҳасида ва 44 (29,1%) тизза бўғими остида аниқланган. 12 (7,9%) нафар беморда икки ёки ундан ортиқ локализацияда шикоятлар бўлган.

Соннинг турли учдан бир қисми ва алоҳида болдир ўртасидан пункция қилиш даражасининг қиёсий таҳлили, сон/болдир таҳлилидан фарқли ўларок, тери ости нервларининг шикастланиши билан статистик жиҳатдан муҳим боғлиқликни кўрсатмаган, бу ерда тизза бўғими остидан кириш, нервларнинг шикастланиш хавфини сезиларли даражада оширган. ( $P=0,02$ ). Кейинги кичик бўлим термал таъсир остида пайдо бўлган тромбозга ва уларни тўғридан-тўғри перорал антикоагулянтлар билан даволаш имкониятига

бағишланган. Тадқиқотга 2014 йилнинг сентябр ойидан 2016 йилнинг февралигача 1514 ЭВЛО муолажаси ўтказилган, 1326 нафар бемор киритилган. 1091 (72,1%) ҳолларда коагуляция КТОВда, 124 (8,2%) ҳолларда олд қўшимча ТОВда ва 299 (19,7%) ҳолларда кичик ТОВда бажарилган. Қўйилиш жойига яқин қисмда коагуляцияга учраган веналарнинг диаметри 4 дан 38 мм гача ( $13 \pm 4,1$  мм) бўлган. Ушбу намуналарда профилактик антикоагуляция қўлланилмаган. Кўриклар ва УТДС аралашувдан кейинги куни ўтказилган. Қўйилиш жойига яқин қисмдаги веналарнинг калибри 12 мм дан ошганда ёки термал таъсир остида пайдо бўлган тромбоз аниқланганда беморлар бир ҳафтадан сўнг текширувдан ўтказилган.

Ушбу тадқиқотда биз нафақат 2–4 даражали ЕНТларни, балки ёруғлик узатгични "*v. epigastrica superficialis*" венаси пастроғидаги зонага 1–2 см масофада жойлаштириш техникасини қўллашимизга қарамай, чуқур вена билан бирикма қўйилиш жойида(соустье) ҳосил бўлган режалаштирилмаган тромбларни (Kahnick L.S. га кўра 1–даража) ҳам қайд этганмиз.

1-тоифали ЕНТ билан оғриган барча беморларга ривароксабан бир ҳафта давомида кунига 1 маҳал 20 мг дозада, 2 ва 3 – тоифали беморларга уч ҳафта давомида кунига 2 маҳал 15 мгдан, сўнгра тўлиқ тромболитис юз бергунча кунига 1 маҳал 20 мгдан буюрилган, агар бунга эҳтиёж сақланиб қолса. Барча ВТЭА, кичик ва катта қон кетиш ва ҳар қандай жиддий нохуш ҳодисалар (СНЯ) қайд этиб борилган.

Жами термал таъсир остида ҳосил бўлган тромбоз 21 (1,4%) ҳолатда: КТОВ ҳавзасида 19 (1,7%) ва олд қўшимча ТОВда 2 (1,6%) ҳолатда аниқланган. 9 (0,6%) та оёқларда ЕНТнинг 1-тоифаси, 10 (0,7%) тасида 2-тоифаси ва 2 (0,1%) тасида 3-тоифаси белгиланган. Шу тарзда, 2-3-тоифали ЕНТ 12 (0,8%) ҳолларда ривожланган. Ушбу беморларнинг барчасига юқоридаги схема бўйича ПОАК буюрилган. 1 (4,8%) ҳолатда ривароксабан диспептик касалликларнинг ривожланиши туфайли иккинчи куни бекор қилиниши керак бўлган. Ушбу беморга терапевтик дозаларда тери остига эноксапарин натрий буюрилган. Шунингдек, 1 (4,8%) нафар кунига 2 маҳал 15 мг дозада ПОАК қабул қилаётган беморда, бурундан қон кетиши ривожланиб, мустақил равишда тўхтаган, ва препаратни бекор қилиш талаб қилинмаган. Барча беморларда 6 дан 25 кунгача бўлган муддатда ЕНТнинг тўлиқ лизиси кузатилган. Ўпка артерияси тромбоэмболияси, чуқур вена ёки бирон бир бошқа жиддий нохуш ҳодисалар клиникаси кузатилган ҳолатлари бўлмаган.

Бундан сўнг, **эндовеноз термал облитерациядан сўнгги сон соҳасининг иккиламчи телеангиэктазияси** бўйича кичик бўлим келтирилган. Таққосламайдиган проспектив ягона-марказли тадқиқотга супрафасциал ирмоқлар ва/ёки перфорант веналарни симултан бартараф қилмасдан амалга оширилган изоляцияланган катта тери ости венасининг ЭВЛО амалиёти ўтказилган беморлар изчил равишда киритилган. Беморлар процедурадан кейинги куни ва уч ой ўтгач, визуал кўрик ва ултратовуш текширувидан ташқари, оёқларнинг такрорий фотодокументлашни ўтказиш учун ҳам таклиф қилинган.

Сўнгра бир-биридан ажратилган ҳолда камида беш йиллик тажрибага эга бўлган учта мустақил жарроҳ ЭВЛОдан олдинги ва уч ой кейинги фотосуратларни қиёсий таҳлил қилган ва натижаларни тўрт балли шкала бўйича баҳолаган, бу ерда 0-янги ТАЭлар йўқлиги, 1 – янги ТАЭларнинг оз сонли пайдо бўлиши, 2- янги ТАЭлар ўртача миқдорда пайдо бўлиши, 3 - янги ТАЭлар кўп миқдорда пайдо бўлиши. Бундай баҳолаш учун мос мўлжал нуқталари сифатида илгари даволанган беморларнинг, ушбу тадқиқот бошланишидан олдинги оёқларининг фотосуратлари олинган. 103 бемордаги 123 оёқлар баҳоланган. Фотосуратларни таҳлил қилганда, соннинг ички юзасида иккиламчи ТАЭ пайдо бўлиши 26 (21,1%, 95% СI [15%, 29%]) оёқларда қайд этилган. 17,9% ҳоллардаги ТАЭ аҳамиятсиз миқдорда бўлган, ўртача ёки катта миқдорларда 2,4% ва 0,8% оёқларда, мос равишда, яъни жами 3,2% ҳолларда аниқланган.

Гуруҳда медиан ёш янги ТАЭсиз 40 ёшни (95% ДИ [34; 41]), иккиламчи ТАЭ билан гуруҳда 52,5 ёшни ташкил қилди (95% ДИ [46; 57,5]) ( $P = 0,006$ ). Жинс, тана массаси индекси, СЕАП бўйича класс, VCSS бўйича оғирлиги ва КТОВнинг қуйилиш жойидаги максимал диаметри 3 см ва соннинг ўртаси бўйича фарқлар статистик жиҳатдан жуда кичик бўлган. Учта шифокор орасида деярли тўлиқ мувофиқлик мавжудлиги аниқланган – Флейс каппаси = 0,92;  $P < 0,0001$ . 0, 1, 2, 3 даражалари учун индивидуал каппалар, мос равишда 0,93; 0,90; 0,85 ва 1,00 ни ташкил этган.

Еттинчи бобда **"Варикоз касаллигини кам инвазив даволаш натижаларини яхшилашнинг тактик имкониятлари"**, хусусан, **магистрал юзаки томирлар бўйлаб рефлюксияни изоляция қилинган ҳолда йўқ қилиш ва супрафасиял ирмоқларни кечиктирилган ликвидация қилиш тактикаси** кенг қамровли ўрганилган.

Таққосламайдиган проспектив ягона-марказли тадқиқот 2016 йил сентябридан 2017 йил ноябригача операция қилинган беморларни изчил равишда ўз ичига олган. 420 та магистрал юзаки веналар ЭВЛОси ўтказилган 374 нафар беморни даволаш натижалари таҳлил қилинган. 323 (76,9%) ҳолатда катта тери ости венаси, 52 (12,3%) олд қўшимча тери ости венаси ва 45 (10,7%) ҳолатда кичик тери ости венаси коагуляция қилинган. Ўртача ёш  $53 \pm 11,7$  ёшни ташкил этган. 271 (64,5%) ҳолатда операциядан олдинги сурункали веноз касалликларга хос белгилар аниқланган.

Операциядан кейинги иккинчи ва еттинчи кунларда назорат текширувлари ўтказилди, кейин икки ва олти ой ўтгач, ВСК белгилари мавжудлиги, СЕАР бўйича касалликнинг клиник тоифаи, тромбофлебит клиникаси мавжудлиги баҳоланди. Шунингдек, барча беморлар ЭВЛОдан олдин оёқларнинг фотосуратга олиш жараёнидан ўтдилар, шундан сўнг камида уч йиллик тажрибага эга бўлган учта жарроҳ супрафасциал веналар регрессия динамикасини субъектив баҳолаган. беморларни учта гуруҳдан бирига: 1-гуруҳ – ирмоқларнинг бутунлай йўқлиги, қўшимча процедура талаб қилинмайди (СЕАР бўйича С 0-1 тоифага ўтиш); 2 – гуруҳ – ирмоқлар сезиларли даражада камайди, аммо уларни йўқ қилиш учун ҳали ҳам қўшимча аралашув талаб этилади; 3-гуруҳ - ирмоқлар аввалги ҳолатда қолган.

Кузатувнинг иккинчи ойига келиб, 83 (19,8%) оёқларда магистрал томирларнинг ирмоқлари бўйлаб рефлюкснинг тўлиқ регрессияси ва ажойиб косметик натижа кўринган, бу уларни СЕАР бўйича 0-1 тоифага таснифлашга имкон берган. 276 (65,7%) ҳолатда ирмоқлар сони ёки уларнинг диаметри сезиларли даражада камайганлиги қайд этилган, бу еса дастлаб супрафасциал томирларнинг катта диаметри туфайли минифлебэктомия қилинган тақдирда ҳам кечиктирилган склеротерапияни амалга оширишга имкон берган. Шу билан бирга, 61 (14,5%) оёқларда клиник яхшиланиш аниқланмаган.

Кузатувнинг олтинчи ойига келиб натижалар қуйидагича бўлган: биринчи гуруҳида 98 (23,3%), иккинчи гуруҳда 265 (63,1%) ва учинчи гуруҳда 57 (13,6%) ҳолларда магистрал юзаки веналарларнинг ирмоқлари ўзгаришсиз қолган.

ЭВЛО процедурасидан олдин СВКга хос симптомлар 271 ҳолатда аниқланган бўлиб, бу симптоматика 220 (81,2%) оёқларда иккинчи ойга келиб, 226 (83,4%) оёқларда эса кузатувнинг олтинчи ойига келиб регрессияга учраган. Шу билан бирга, ирмоқлар бир хил ҳажмда қолган 57 ҳолатдан 43 оёқларда операциядан олдин аломатлар мавжуд бўлган ва олтинчи ойга келиб уларнинг 32 таси (74,4%) регрессия кузатилган.

Қолдирилган супрафасциал веналарнинг операциядан кейинги клиник аҳамиятга эга тромбофлебети 46 (10,9%) та оёқларда ривожланган. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, ушбу беморларнинг 34 нафариди (73,9%) икки ва олти ойдан кейин ирмоқларининг интенсивлигида сезиларли регрессияга ва яхши косметик натижага эришилган. Тромбофлебит билан оғриган барча беморларда икки ойдан кейинги кўрик пайтигача тромбозланган веналар бўйлаб оғриқ синдроми кузатилмаган.

Эстетик талаблардан келиб чиқиб ёки ВСК белгилари мавжудлиги сабабли, ЭВЛОдан кейинги узоқ муддатли даврда, олти ой ўтгач, ирмоқлар фақат 227 (54%) оёқларда бартараф этилган - склеротерапия 198 (47,1%) ҳолларда, минифлебэктомия 29 (6,9%) ҳолларда амалга оширилган.

Бугунги кунда магистрал веналарни изоляцияланган ҳолда ликвидация қилиш тактикасидан мақбул фойдаланишга имкон берадиган тасдиқланган алгоритм йўқлигига қарамай, оқимларни кечиктирилган бартараф қилиш техникаси кундалик флебологик амалиётда кўпчилик беморларда қўлланилиши мумкин ва асосли бўлган, яхши восита бўлиб хизмат қилиб келган. Ушбу ёндашувни шахсийлаштириш учун биз бир босқичли ёки кетма-кет аралашувни танлашда ишлатилиши мумкин бўлган қуйидаги мезонларни аниқладик:

- Иккала тактиканинг барча афзалликлари ва камчиликларини тушунтиргандан сўнг, беморнинг истаги;
- Кенгайтирилган ирмоқларнинг диаметри;
- Кенгайтирилган ирмоқлар сони;
- Ирмоқларнинг локал спецификаси - бу соҳадаги тери ости ёғ клетчаткасининг миқдори, веноз деворнинг ингичкалашиши, флебэктазияларнинг мавжудлиги;

- Трофик тери касалликлари, шишлар, ярали нуқсонларнинг мавжудлиги (СЕАР бўйича тоифаи);
- Соматик йўлдош касалликлар билан оғирлашганлиги;
- Яшаш жойи (клиникадан узоқлиги, текширув ва кейинги муолажалар учун келиш имконияти);
- Ирмоқларнинг локализацияси (сон/тизза соҳаси/болдир/ оёқ товони);
- Даволашнинг сабаби (ташқи кўриниш/аломатлар/асоратлар хавфи);
- Беморнинг эстетик компонентга муносабати (жинси, ёши таъсир қилиши мумкин);
- Анамнезда ВТЭА мавжудлиги;
- Оғриқ чегараси;
- Фасл (ўртача ҳаво ҳарорати);
- Эластик компрессияга чидамлилиги;
- Анамнезда аллергия реакциялар мавжудлиги;
- Даволовчи шифокорида изоляцияланган термал облитерация тажрибасининг мавжудлиги.

Саккизинчи боб **"Амбулатор флебологик амалиётда мултиспирал компьютер томография-флебография"**га бағишланган. СКТ флебографияси ва хусусан, унинг тўғридан-тўғри модификацияси ўтган асрнинг охиридан бери қўлланилганига қарамай, унинг ҳозирги клиник амалиётдаги ўрни тўлиқ аниқланмаган. Бу 2017 йил январидан 2019 йил декабригача бўлган даврда бирламчи консултация учун 10 112 бемор мурожаат қилган, амбулатор флебология клиникасига режалаштирилган консултация учун келган бирламчи беморлардаги бир қатор ҳолатларда унинг диагностика имкониятларини таҳлил қилиш учун сабаб бўлган. Кўрик охирида шифокор беморни дастурий таъминотда таклиф қилинган тоифалардан бирига киритган. Ушбу тоифаларга кўра, касалликлар спектри қуйидагича бўлган: оёқлар СВК СЕАР бўйича С0S-1 – 2 167 (21,4%) нафар бемор; ВК С2-3 – 4 460 (44,1%) нафар, С4-6 – 351 (3,5%) нафар; веналарнинг бошқа патологиялари (посттромботик касалликлар (ПТК), ўткир тромбозлар, веноз мальформациялар) – 570 (5,6%); новеноз патология – 2 564 (25,4%). Барча ҳолатларда оёқлар веналарининг ултратовуш текшируви ўтказилган.

